

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Кўлёзма ҳуқуқида

УДК 361 939

Акбарова Ноила

ЎЗБЕКИСТОННИ ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИГА
ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИНИНГ ҒОЯВИЙ-МАФКУРАВИЙ АСОСЛАРИ

5А 111601 - Маънавият асослари

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: т.ф.н.С.Мамажонов

Андижон – 2013

МУНДАРИЖА:

КИРИШ	3
I-БОБ	ИНТЕГРАЦИЯ СИЁСИЙ МУНОСАБАТЛАР ВА ИНТЕГРАЦИЯ ЖАРАЁНИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ	12
	1.1. Интеграция жараёни тушунчаси: моҳияти ва мазмуни.	12
	1.2. Ўзбекистоннинг сиёсий-мафкуравий муносабатлар тизими	16
II-БОБ	ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИДА ҒОЯВИЙ- МАФКУРАВИЙ ЯНГИЛАНИШЛАРНИНГ КОНЦЕПТУАЛ ТАЛҚИНЛАРИ	24
	2.1. Ҳозирги давр халқаро муносабатларнинг ғоявий-мафкуравий таснифи	24
	2.2. Глобал ва минтақавий мафкуравий ғояларнинг ривожланиш тенденциялари	29
	2.3. Миллий ғоянинг жамият ижтимоий-сиёсий тизимда намоён бўлиш хусусиятлари.	33
III-БОБ	ЎЗБЕКИСТОНДА ҒОЯВИЙ-МАФКУРАВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ВАЗИФАЛАРИ.	
	3.1. Глобаллашув шаротида Ўзбекистонда мафкуравий хавфсизликни таъминлашнинг усуллари ва воситалари.	47
	3.2. Ўзбекистонда ғоявий-мафкуравий хавфсизликни таъминлашнинг истиқболли йўналишлари.	56
ХУЛОСА	75
ҒОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.	78

К И Р И Ш

Тадқиқот мавзунинг долзарблиги. Бугунги кунда дунё бўйлаб интеграция ва глобаллашув жараёни тез ривожланмоқда. Бу жараён нафақат янги мустақил давлатлар, балки дунёнинг ривожланган давлатлари учун ҳам жиддий илмий ва амалий қарашларни шакллантириш ва бу жараёнда иштирок этишнинг энг оптимал йўлларини ишлаб чиқиш давридир. Мустақилликнинг илк кунлариданоқ, Ўзбекистон Республикасининг дунё ҳамжамиятига кириб бориши ташқи сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири, деб белгиланди. Ҳамкорликдаги очиклик сиёсати чет эллик сармоядорларга, қолаверса, барча соҳалардаги ҳамкорликка эркин имкониятлар яратди. Бугунги кунда мамлакатимиз жаҳон майдонида иқтисодий салоҳияти ҳамда илмий-техникавий имкониятлари билан муносиб ўрин эгаллаб турибди. Интеграциянинг шакллари ва механизмлари кенг қамровли. Жаҳон тажрибаси кўрсатадики, интеграция жараёнларнинг шаклланиши ва ривожланиши нисбатан узоқ даврни қамраб олади. Бу жараёнларнинг амал қилиш механизми эса мантиқий кетма-кетликда, босқичма-босқич шаклланади.

Кенг миқёсли интеграция ва глобаллашув жараёнлари жаҳон тараққиётининг ҳозирги пайтдаги муҳим хусусиятларидан бири эканлигини эътироф этган ҳолда, уларнинг кучли мафкуравий таъсир ўтказиш воситаси эканини ҳам унутмаслик даркор. Чунки, юртбошимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Глобаллашув жараёни ҳаётимизга тобора тез ва чуқур кириб келаётганининг асосий омили ва сабаби хусусида гапирганда шуни объектив тан олиш керак — бугунги кунда ҳар қайси давлатнинг тараққиёти ва равнақи нафақат яқин ва узоқ кўшнилари, балки жаҳон миқёсида бошқа минтақа ва ҳудудлар билан шундай чамбарчас боғланиб боряптики, бирон мамлакатнинг бу жараёндан четда туриши ижобий натижаларга олиб келмаслигини тушуниш, англаш қийин эмас.

Шу маънода, глобаллашув — бу аввало ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви демакдир”¹. Шундай шароитда жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувни янада чуқурлаштириш Ўзбекистон олдида турган муҳим вазифалар каторига киради.

Ўз навбатида деб ёзади И.А.Каримов “Ҳар бир ижтимоий ҳодисанинг ижобий ва салбий томони бўлгани сингари, глобаллашув жараёни ҳам бундан мустасно эмас. Ҳозирги пайтда унинг ғоят ўткир ва кенг қамровли таъсирини деярли барча соҳаларда кўриш, ҳис этиш мумкин. Айниқса, давлатлар ва халқлар ўртасидаги интеграция ва ҳамкорлик алоқаларининг кучайиши, хорижий инвестициялар, капитал ва товарлар, ишчи кучининг эркин ҳаракати учун қулайликлар вужудга келиши, кўплаб янги иш

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 111 б.

ўринларининг яратилиши, замонавий коммуникация ва ахборот технологияларининг, илм-фан ютуқларининг тезлик билан тарқалиши, турли кадриятларнинг умуминсоний негизда уйғунлашуви, цивилизациялараро мулоқотнинг янгича сифат касб этиши, экологик офатлар пайтида ўзаро ёрдам кўрсатиш имкониятларининг ортиши — табиийки, буларнинг барчасига глобаллашув туфайли эришилмоқда”².

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон цивилизациясидаги интеграцион жараёнларнинг жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётидаги ўрни масаласи барча даврларда олимларни қизиқтириб келган.

МДХ доирасида жаҳон цивилизациясидаги интеграцион жараёнларнинг ғоявий-мафкуравий тадқиқи И.В.Воловик, С.Д.Батомункуев, Т.В.Волкова, Б.Н.Кагиров, И.В.Ершова, Л.Г.Васильева, О.Е. Кульбакина, С.А.Трофимова, А.М.Егорычев каби олимлар томонидан амалга оширилган³.

Жаҳон цивилизациясидаги интеграцион жараёнлар бўйича йиғилган барча адабиётларни уч гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга мамлакатимиз олимларининг шу соҳага дахлдор ишлари киритилди. Жумладан, 2000 йилда Э.З.Нуриддинов томонидан “Мустақиллик шароитида Ўзбекистоннинг Европа мамлакатлари билан ҳамкорлиги: шаклланиши, ривожланиши, муаммолари” мавзuida докторлик диссертацияси ёқланди⁴. Муаллиф Ўзбекистоннинг Европа мамлакатлари билан ҳамкорлигининг тарихий жиҳатларини тадқиқ этади. Мазкур мавзуга бевосита тегишли ишлардан бири А.Г. Холлиеванинг ЕИ нинг биргина аъзоси – Буюк Британия билан ўзаро ҳамкорлик масалаларига бағишланган номзодлик диссертациясидир⁵. У.Ю. Ускенбоев эса ўз монографиясида ЕИнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлигини умумий жиҳатдан таҳлил

² Каримов И.А. Юсак маънавият – энгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 111 б.

³ Воловик И.В. Социокультурные аспекты реформирования российского образования в контексте европейской интеграции : диссертация ... кандидата философских наук : 09.00.11, 24.00.01.- Москва, 2007.- 161 с. Батомункуев С.Д. Постсоветская этничность в перспективе гражданской интеграции : диссертация ... кандидата философских наук : 09.00.11.- Улан-Удэ, 2001.- 145 с. Волкова Т.В. Социально-философский анализ толерантности как фактора социокультурной интеграции общества : дис. ... канд. филос. наук : 09.00.11 Ростов н/Д, 2006 160 с. Кагиров Б.Н. Теоретико-методологические аспекты интеграции знаний об управлении : диссертация ... кандидата философских наук : 09.00.11 Барнаул, 2006. Ершова И.В. Социально-философские проблемы глобализации и интеграции на примере Болонского процесса : дис. ... канд. филос. наук : 09.00.11 Архангельск, 2006 187 с. Васильева Л.Г. Философские аспекты социальной интеграции человека с ограниченными возможностями : Дис. ... канд. филос. наук : 09.00.11 Чебоксары, 2006 146 с. Кульбакина О.Е. Интеграция идей гуманизма: мировоззренческий и праксиологический аспект : Дис. ... канд. филос. наук : 09.00.11 : Барнаул, 2005 165 с. Трофимова С.А. Многовариантность развития гражданского общества и интеграция в него коренных народов Крайнего Севера (Социально-философский анализ) : Дис. ... канд. филос. наук : 09.00.11 Красноярск, 2006 151 с. Егорычев А.М. Социально-философские основания интеграции этнокультурных традиций в системе образования России : диссертация... д-ра филос. наук : 09.00.11 Барнаул, 2006 356 с.

⁴ Нуриддинов Э. З. Международное сотрудничество Узбекистана со странами Европы в условиях независимости: становление, развитие, проблемы. – Дис... докт. истор. наук. – Т., 2000. Автореф. дис... докт. истор. наук. – Т., 2000. – 57 с.

⁵ Холлиев А. Г. Экономические, научно-технические и культурные связи независимого Узбекистана с Великобританией и США. – Дис... канд. истор. наук. – Т., 1998. Автореф. дис... канд. ист. наук. – Т., 1998

этади⁶. Х.Юнусовнинг “Европа Иттифоқи ҳукуқи” номли ўқув қўлланмасида Европа давлатларининг ҳукуқи, ЕИ ва Ўзбекистон ҳамкорлигига оид ҳуқуқий ҳужжатлар ёритилади⁷.

Бу соҳада мамлакатимиз олимларининг ичида Г.И.Каримовнинг диссертацияси алоҳида ўрин тутди⁸. Унда муаллиф интеграциянинг асосий концепция ва йўналишларини тадқиқ этади. Мамлакатимиз сиёсатшунослари А.Қосимов, И.Васькин⁹, А.Расулов, А.Бедринцев, А.Оқиловларнинг¹⁰ ишларида Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграцияси ва халқаро иқтисодий муносабат масалалари у ёки бу жиҳатдан ёритилади. Аммо Республикамизда нашр этилган адабиётларда минтақавий интеграция муаммоларигина таҳлил этилади¹¹. Бу ўринда минтақавий интеграция масалаларини тадқиқ этаётиб, биз учун Ф.Камоловнинг “минтақада интеграцион жараёнлар стихияли, қарама-қарши элементларга эга, бу эса, ўз навбатида, бундай салбий ҳолатларни ўрганиш ва уларни бартараф этишнинг долзарб эканлигидан далолат беради” деган фикри алоҳида диққатга сазовордир¹². В.Мешчеряков Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тавсифи масалаларига тўхталиб ўтади ва бу эса кўп жиҳатдан илмий мушоҳадага чорлайди¹³. Д.Ортиқов¹⁴, А.Гегашидзе¹⁵ эса ТРАСЕК ни Европа ва Марказий Осиё ҳамкорлигининг энг муҳим воситаларидан бири деб қарашади. Тадқиқотчи Б.Исломов Ўзбекистоннинг табиий хом-ашёлари потенциалини тавсифлаб беради¹⁶. Тошкентдаги хорижий фирмаларнинг вакили Т.Марк жаҳон иқтисодиётига мамлакатларнинг кириб бориши тўғрисида ўз мулоҳазаларини билдиради¹⁷. Х.М.Юнусовнинг ЕИ ва Ўзбекистон ҳамкорлигининг ҳуқуқий жиҳатлари ҳақидаги мақоласида ЕИ нинг жаҳонга, шу жумладан, Марказий Осиёга ҳам таъсир даражаси юқори эмаслиги таъкидланади¹⁸.

⁶ Ускенбаев У. Ю. Европа Иттифоқи билан Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги шерикчилик ва ҳамкорлик муносабатлари // Т.: Унипресс, 2005. – 128 б.

⁷ Юнусов Х. Европа Иттифоқи ҳуқуқи // Т.: ЖИДУ, 2006. – 230 б.

⁸ Каримова Г.И. Политико-экономический аспект интеграции Узбекистана в мировое сообщество. – Дисс... канд. полит.наук.-Т., 1996. Автореф. дисс... канд. полит. Наук – Т., 1996. -29 с.

⁹ Касымов А., Васькин И. Основные направления внешней политики Республики Узбекистан. – Т.: Узбекистон, 1994. – 112 с.

¹⁰ Расулов А., Бедринцев А., Акилов А. Узбекистан: внешнеэкономическая деятельность и интеграция в мировое хозяйство. – Т.: Узбекистон, 1996. – 80 с.

¹¹ Хайдаров А. Центрально-азиатская региональная интеграция: история и перспективы // Экономика и статистика. 1996. № 10. – С. 42-45; Ситников А. Центрально-азиатская интеграция: шаги к экономическому сотрудничеству и перспективы // Экономика и статистика. 1997. № 5. С. 40; // Экономика и статистика. 1997. № 5. – С. 40; Организация Экономического Сотрудничества (ЭКО) // Экономика и статистика. 1997. № 1. – С. 34-36.

¹² Камалов Ф. Центральная Азия: процессы интеграции и природопользования // Рынок, деньги и кредит. 1998. № 5. – С.55.

¹³ Мещериков В. Социально-экономический портрет в геополитическом интерьере // Азия и Африка сегодня. 1998. № 1. – С. 3-11.

¹⁴ Артыков Д. ТАСИС-ТРАСЕКА: перспективы развития // Экономика и статистика. 1998. № 2. – С. 47-48.

¹⁵ Гегешидзе А. Еще раз о Великом Шелковом пути // Центральная Азия и Кавказ. 1994. № 3-4. – С. 178.

¹⁶ Исламов Б. Экономические преобразования в Республике Узбекистан и ее интеграция в мировое сообщество // ЭКО. 1997. № 3. – С. 92-108.

¹⁷ Марк Т. Либерализация национальной экономики и принципы международного сотрудничества // Экономический вестник Узбекистана. 1999. № 7. – С. 36-37.

¹⁸ Юнусов Х. М. Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон Республикаси ҳамкорлигининг ҳуқуқий асослари ҳақида // Халқаро муносабатлар. 2002. № 3. – Б. 74 – 79.

Иккинчи гуруҳга Россия ва МДХ даги илмий-тадқиқот ишларини киритиш мумкин. ЕИ га аъзо давлатларнинг ягона пул бирлиги “евро”га ўтилиши Россия ва МДХ олимларининг Европа муаммоларига қизиқишини янада кучайтирди¹⁹. Россиялик сиёсатшунос олимлар ЕИ нинг Россия билан ҳамкорлигини анча танқидий баҳолайдилар²⁰. Россияда нашр этилган адабиётларни икки гуруҳга, яъни: ЕИ ва Россиянинг 2010-2015 йиллардаги истиқбол ҳамкорлигини ижобий ёки салбий баҳоловчи адабиётларга бўлиш мумкин²¹. Шу билан бирга, россиялик олимлар асосий эътиборни Россия ва ЕИ ҳамкорлиги масалаларига қаратади. Ҳозирги пайтда бу масалага нисбатан икки хил қараш мавжуд. Айрим олимлар Россия келажакда ЕИнинг тўлақонли аъзоси бўлиб кириши керак, деб ҳисобласалар, иккинчи бир тоифадаги сиёсатшунослар эса Россиянинг ўзи жаҳонда сиёсий ва иқтисодий марказ сифатида мустақил фаолият юритиши ва ЕИ билан ўзаро шерикчилик муносабатларини йўлга қўйиши лозим деб ҳисоблайдилар. Шубҳасиз, бу илмий назариялардан қайси бири амалга ошганда ҳам Ўзбекистоннинг ЕИ билан ҳамкорлигига таъсир этади. Бироқ Россиядаги бирор бир илмий адабиётда ЕИ ва Марказий Осиё давлатлари ҳамкорлиги масалаларига тўхталиб ўтилмаган.

Учинчи гуруҳга кирувчи адабиётларни Европа мамлакатларида инглиз тилида нашр этилган адабиётлар ташкил этади. Ўзбекистон Республикасининг ЕИ билан ҳамкорлиги ҳозирги замон геополитикасининг энг муҳим қирраларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун тадқиқот давомида А.Дж.Тойнби²², З.Бжежинский²³, С.Хантингтон²⁴, Ф. Фукуяма²⁵, И.Валлерстайн²⁶, С.Смит²⁷, Л.Миллер²⁸, А.Смит²⁹ каби олимларнинг геополитика тарихи ва назариясига бағишланган ишларига алоҳида эътибор қаратилди.

19 Бусыгина И., Тренерт О. Расширение Европейского союза: покушение на самоубийство? // Мировая экономика и международные отношения (МЭиМО); Борко Ю. Европейский союз: углубление и расширение интеграции // МЭиМО. 1998. № 8. – С. 153-159; Иванов И. Расширение Евросоюза: сценарий, проблемы, последствия // МЭиМО. 1998. № 9. – С. 22-33.

20 Андреева Т. Безопасность Западной Европы и независимые ядерные силы Великобритании и Франции // МЭиМО. №1. – С.51-61; Гаврилов Д. Европейский Союз как территория противоречий // Мировая экономика и международные отношения. 2004. - № 12. – С. 88-95; Ганчев П. Европейский союз и Россия // Мировая экономика и международные отношения. 2006. - № 1. – С. 112 – 114; Орлов Б. "Европа с человеческим лицом" (Социокультурные аспекты европейской цивилизации // МЭ и МО. 2005. № 12. С. 67-75; Рашковский Е. Европа: внутренний облик и глобально-историческая динамика // МЭ и МО. 2005. № 12. С. 58-66.

21 Европейский Союз на пороге XXI века: выбор стратегии развития. Под ред. Ю. А. Борко и О. В. Буториной. – М., 2001. – 472 с.

22 Тойнби А. Дж. Постигание истории. - М: Айрис – пресс. 2002. - 450 с.

23 Бжежинский З. Вне контроля. Глобальный беспорядок накануне XXI в. // США: Экономика. Политика. Идеология. –1994, -№ 4. С. 112 – 121.

24 Хантингтон С. Крах цивилизации? // Полис, 1995, № 4. – С. -

25 Фукуяма Ф. Конец истории? // Вопросы философии, 1990, - № 3. – С. 42-50.

26 Валлерстайн И. Анализ мировых систем и ситуация в современном мире. – СПб.: Наука. - 2001. – 357 с.

27 Смит С. Самоуправление дисциплины: происхождение теории международных отношений // Теории международных отношений на рубеже столетий / Под ред. К.Бус, С.Смит. – М.: Политика. – 2002. – 314 с.

28 Miller L. H. Global Order: Values and Power in international Politics. – Boulder, CO. 1994.

29 Smith A. Nations and Nationalism in a Global Era. – Cambridge. 1995.

Бевосита Европа мамлакатларининг интеграцияси масаласига Европадаги қуйидаги сиёсий тадқиқотлар маркази: Robert Schuman Centre, European University Institute, Max Plank Institute, Harvard Law School, European Integration (ECSA-Austria), ARENA (Oslo), Mannheim Centre for European Social Research. нинг илмий ишлари алоҳида ўрин тутди.

Шунингдек, бугунги кунда Ўзбекистонни жаҳон цивилизациясига интеграциялашувининг ғоявий-мафкуравий асослари билан боғлиқ масалаларнинг баъзи ижтимоий-фалсафий жиҳатлари М.Қуронов, Қ.Назаров, Б.Тўйчиев, С.Мамашокиров, А.Очилдиев, Ф.Мусаев каби олимларнинг асарларида илмий-назарий таҳлил қилинганини кўриш мумкин.

Мустақиллик шароитида Ўзбекистонни жаҳон цивилизациясига интеграциялашувининг ғоявий-мафкуравий асосларига оид долзарб вазифалар, амалга оширилиши лозим бўлган ишларнинг устувор йўналишлари каби масалалар Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида изчил ривожлантириб борилганини таъкидлаш зарур³⁰.

Мавжуд илмий адабиётлар ва изланишлар таҳлили Ўзбекистонни жаҳон цивилизациясига интеграциялашувининг ғоявий-мафкуравий асослари мустақил тадқиқот объекти сифатида алоҳида олинган ҳолда ўрганилмаганини кўрсатади. Бу тадқиқот мавзуини илмий ўрганиш объекти сифатида танлаб олиншига сабаб бўлди.

Тадқиқотнинг мақсади. Ўзбекистонни жаҳон цивилизациясига интеграциялашувининг ғоявий-мафкуравий асосларини ижтимоий-фалсафий таҳлил этишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун:

– “интеграция”, “мафкуравий жараён” ва “цивилизация” тушунчалари ўртасидаги фарқли ва умумий жиҳатларини аниқлаш орқали, уларнинг мазмунини очиқ бериш ва таърифларига ойдинлик киритиш;

– Ўзбекистоннинг сиёсий-мафкуравий муносабатлар тизимини очиқ бериш;

– ҳозирги давр ҳалқаро муносабатларнинг ғоявий-мафкуравий таснифини ёритиш;

³⁰ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд.-Т.: Ўзбекистон, 1996; Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд.-Т.: Ўзбекистон, 1996; Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд.-Т.: Ўзбекистон, 1996; Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд.-Т.: Ўзбекистон, 1996; Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 5-жилд.-Т.: Ўзбекистон, 1997; Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд.-Т.: Ўзбекистон, 1998; Каримов И.А. Биз келжагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд.-Т.: Ўзбекистон, 1999; Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. 8-жилд.-Т.: Ўзбекистон, 2000; Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд.-Т.: Ўзбекистон, 2001; Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашамиз. 10-жилд.-Т.: Ўзбекистон, 2002; Каримов И.А. Биз танлаган йўл демократик ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд.-Т.: Ўзбекистон, 2003; Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. 12-жилд.-Т.: Ўзбекистон, 2004; Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч кимга, ҳеч қачон қарам бўлмайди. 13-жилд.-Т.: Ўзбекистон, 2005.

– глобал ва минтақавий мафкуравий ғояларнинг ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш;

– миллий ғоянинг жамият ижтимоий-сиёсий тизимида намоён бўлиш хусусиятларини аниқлаш ва назарий асослаш;

– глобаллашув шаротида Ўзбекистонда мафкуравий хавфсизликни таъминлашнинг усуллари ва воситаларини аниқлаш;

– Ўзбекистонда ғоявий-мафкуравий хавфсизликни таъминлашнинг истиқболли йўналишларидаги мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларни бартараф этишга қаратилган амалий таклиф-тавсияларни ишлаб чиқишдек **вазифалар**ни ҳал этиш назарда тутилади.

Тадқиқотнинг назарий ва методологик асослари. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистонни жаҳон цивилизациясига интеграциялашувига бағишланган асарлари ҳамда ўзбекистонлик ва хорижлик олимларнинг жаҳон интеграцияси муаммоси таҳлиliga бағишланган илмий тадқиқотларида баён этилган қарашлар ва хулосалар диссертациянинг назарий асоси бўлиб хизмат қилди.

Тадқиқотнинг методлари. Кўзланган мақсадга эришиш, белгиланган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишни таъминлашда илмий билишнинг: объективлик, системалилик, умумий алоқадорлик, ривожланиш, ворислик, миллийлик ва умуминсонийлик, тарихийлик ва мантикийликнинг бирлиги тамойиллари ҳамда қиёсий таҳлил, анализ ва синтез, аналогия, умумлаштириш усуллари методологик асос бўлиб хизмат қилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

– “интеграция”, “мафкуравий жараён” ва “цивилизация” тушунчалари ўртасидаги фарқли ва умумий жиҳатларини аниқланиб, уларнинг мазмуни очиб берилди ва таърифларига ойдинлик киритилди;

– Ўзбекистоннинг сиёсий-мафкуравий муносабатлар тизими очиб берилди;

– ҳозирги давр ҳалқаро муносабатларнинг ғоявий-мафкуравий таснифи ёритилди;

– глобал ва минтақавий мафкуравий ғояларнинг ривожланиш тенденциялари таҳлил қилинди;

– миллий ғоянинг жамият ижтимоий-сиёсий тизимида намоён бўлиш хусусиятлари аниқланди ва назарий асосланди;

– глобаллашув шаротида Ўзбекистонда мафкуравий хавфсизликни таъминлашнинг усуллари ва воситалари аниқланди;

– Ўзбекистонда ғоявий-мафкуравий хавфсизликни таъминлашнинг истиқболли йўналишларидаги мавжуд муаммолар аниқланиб, уларни бартараф этишга қаратилган амалий таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилди.

– **Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг **назарий аҳамияти** унда ўз аксини топган хулосаларнинг Ўзбекистонни жаҳон цивилизациясига интеграциялашувининг ғоявий-мафкуравий асосларини чуқурроқ англаб етишга хизмат қилиши билан белгиланади. Уларни тадқиқ этиш жаҳон цивилизациявий-мафкуравий даврида содир бўлаётган жараёнларнинг мазмунини тўғри англашга ёрдам беради. Бу ўз навбатида, Ўзбекистонни жаҳон цивилизациясида истиқболини олдиндан кўра билиш учун шароит яратади. Айти пайтда, диссертацияда баён этилган хулосалар ушбу йўналишдаги кейинги тадқиқотлар учун муайян назарий манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Диссертациянинг **амалий аҳамияти** унда ўз аксини топган назарий хулосалар ва умумлашмалар, конкрет амалий таклиф-тавсиялардан Ўзбекистонни жаҳон цивилизациясида тутган ўрнига қаратилган ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий тадбирларни ташкил этиш, мустақиллик шароитида миллий мафкуравий тизимда содир бўлаётган кенг қамровли ижобий ўзгаришларни ушбу йўналишда фаолият юритаётган уюшмалар, жамғармаларнинг фаолияти орқали кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб ва ташвиқ қилиш жараёнида, ўрта, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида тегишли ўқув курсларини ўқитишда ҳам фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг муҳокамадан ўтказилиши: диссертация Андижон давлат университети Тарих ва ижтимоий фанлар факультети “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” кафедрасида бажарилган ва муҳокама этилиб (баённома №), ҳимояга тавсия этилган.

Диссертациянинг тузилиши: диссертация ҳажми 87 бет бўлиб, “Кириш”, учта боб, еттита параграф, “Хулоса” ҳамда “Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати”дан иборат.

I-БОБ. ИНТЕГРАЦИЯ СИЁСИЙ МУНОСАБАТЛАР ВА ИНТЕГРАЦИЯ ЖАРАЁНИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

1.1. Интеграция жараёни тушунчаси: моҳияти ва мазмуни

Интеграция – жуда кенг маънодаги тушунча. Бугунги кунга келиб кишилар интеграция жараёнининг моҳиятини яхши англаши, зарур. Интеграция нима? – «Интеграция»-лотинча «integration» сўзидан олинган бўлиб, «integr» тўлиқ яхлит, бир бутун деган маънолар англатади; Интеграция-ўзаро боғланган ҳолда ривожлантириш, бир бутун қилиб бирлаштирмак, яхлит ҳолга келтирмак деганидир. Интеграция турли хил қисм ва элементларни бир бутунликка бирлаштириш жараёнидир. Интеграция жараёнлари ташкиллаштирилган системаларда бўлиши мумкин – бу ҳолда улар система бутунлик даражасини ва ташкиллаштирилган даражасини кўтаради.

Интеграция жараёнлари олдин боғланмаган элементларни бириктириш асосини ҳамда шаклланган системаларда ҳам юз бериб, натижада системани бир бутунлиги ва ташкилланиш даражаси ошишига, элемент ва таркибий қисмлар ўртасида алоқадорликка мураккаблашувиغا олиб келади. Бир бутунликка бириккан таркибий қисмлар турли хил даражада автономликка эга бўлади.

Герберт Спенсер (1820–1903) фалсафасида сочилган, сезилмайдиган ҳолатнинг ички жараёнларини секинлашуви натижасида зичлашиши ва сезиладиган даражага ўтиши тушунилса, дезинтеграция – бунинг акси, яъни зич жойлашган нарсанинг ҳаракат тезлашиши натижасида сочилган ҳолатга ўтишидир. Спенсер "интеграция» сўзини, кўпинча, агрегация тушунчаси билан тенг маънода қўллайди. Унинг таълимотига кўра, Қуёш системаси, сайёралар, организм, миллат ривожини интеграция ва дезинтеграциянинг бирин–кетин ўрин алмашинувлари натижасидир.

Йенш (1883–1940) психологиясида интеграция деганда, руҳий ҳаётнинг айрим хусусиятларини бутун маънавий ҳаёт мажмуига таъсир қилиши тушунилади. Спенснинг давлат тўғрисидаги таълимотида интеграция деганда давлатнинг, унинг фаолияти шакллариининг ўзаро таъсири натижасида доимий янгиланиб туриши англанади.

Ижтимоий интеграция индивидлар, гуруҳлар, ташкилотлар ва давлатлар ўртасидаги тартибли муносабатни мавжудлигини англатади. Интеграция жараёнини таҳлил қилишда у билан боғлиқ система ёки соҳанинг мураккаблиги эътиборга олинади. Мисол сифатида жамиятда интеграциялашув, цивилизация интеграциялашув, фанда интеграциялашув ва ҳ.к. Жамият ёки айрим давлатларнинг интеграцияси мажбурий ўзаро манфаат ёки мақсад, интилиш, кадрият кабилар асосида жорий этилади. Ҳозирги даврда давлатлараро интеграциялашувлар жараёнлари ривожланмоқда.

Интеграция – объектив ҳаётӣ жараён. Глобаллашаётган ҳозирги ҳаётнинг интеграциялашув жараёнида мустақилликни сақлаб қолиш долзарб вазифага айланмоқда. Бу эса халқаро ҳамкорликда қуйидаги принципларга қатъий амал қилишни тақазо этмоқда:

1. Интеграциялашган бирлашмаларга фақат томонларнинг тенглиги асосида кўшилиш лозим (ҳатто сиёсий-иқтисодий потенциал турли-туман бўлган тақдирда ҳам);

2. Миллий манфаатлар декларациясига асосланиш, уларнинг минтақавий ва бошқа манфаатлар олдида устуворлиги;

3. Иштирок этишнинг ихтиёрийлиги ва у ёки бу иттифокни танқид қилиш имконияти мавжудлиги.

Ҳозирги даврнинг муҳим хусусиятларидан бири – кишиларнинг онги ва қалбини эгаллаш учун курашнинг кучайганлигидир. Қонли урушлар, ҳарбий юришлар, иқтисодий исканжага олиш ўрнига энди тобора кўпроқ маънавий -мафкуравий восита, қурол ва махсус технологиялар кулланмоқда. Одамларнинг тафаккури, онги, дунёқарашини эгаллашга уринишлар кўпроқ маънавият майдонида амалга оширилмоқда. Бошқа ҳудуд ва халқларни ўзига қарам қилиш учун энди очикдан-очик кўриш ва сезиш қийин бўлган воситалар, хусусан, мафкуравий бузғунчилик усуллари қўлланилмоқда. Ижтимоий тараққиётга хавф солувчи бундай хатарларга қарши соғлом мафкурани шакллантириш давр талабидир. Бундай мафкуравий потенциал халқимизнинг бой тарихий тажрибасидан шаклланиб келган. Шунинг учун ҳам Президент Ислам Каримов ўз маърузасида “мафкура фақат бугун эмас, балки ҳамма замонларда ҳам энг долзарб сиёсий-ижтимоий масала, ҳар қандай жамиятни соғлом соғлом мақсадлар сари бирлаштириб. Унинг ўз муддаосига эришиши учун маънавий-руҳий куч-қувват берадиган пойдевор бўлиб келган”³¹ деган эди.

Замонавий ривожланишнинг муҳим хусусиятларидан бири бу - турли мамлакатлар иқтисодиётининг ўзаро боғлиқлиги, иқтисодий ўсиш ҳамда интеграцион жараёнларнинг макро ва микро-даражаларда ривожланиши, замонавий мамлакатларнинг ёпиқ миллий хўжаликдан ташқи дунёга йўналтирилган очик турдаги иқтисодиётга тезкорлик билан ўтиши билан белгиланади. Буларнинг барчаси ҳозирги босқичда жаҳон хўжалиги иқтисодий ривожланишининг қонуниятлари билан изоҳланади.

Иқтисодий интеграцияни шунчаки бир табиий бозор жараёни ёхуд фақат онгли равишда тартибга солиб турилувчи жараён сифатида тушунмаслик керак. У диалектик ҳодиса бўлиб, айнан бир ҳодисанинг ҳам объектив, ҳам субъектив томонларини ўзида очиб беради. Интеграцияга ўз ўрнида даставвал минтақавий аҳамиятга эга бўлган табиий

³¹ Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд, - Т.: Ўзбекистон, 2000, -Б.490.

ва хом ашё ресурсларидан самарали фойдаланиш ва имкон қадар икки ва ундан ортиқ давлатлар манфаатларини уйғунлаштириш натижасида эришилади.

Интеграциянинг бошланғич нуқтаси бўлиб- иқтисодий ҳаётнинг бирламчи субъектлари доирасидаги тўғридан-тўғри халқаро иқтисодий муносабатлар ҳисобланиб, уларнинг ривожланиши чуқурлашгани ҳамда кенгайгани сари миллий хўжаликларнинг ўз негизлари даражасида аста-секинлик билан бир-бирларига бирлашиб кетишларини таъминлайди. Мазкур жараён эса давлатларнинг иқтисодий, ҳуқуқий, солиқ, ижтимоий ва бошқа тизимларининг ўзаро бир-бирига киришиб кетиши хатто бошқарув тузилмаларининг маълум даражада бир-бирига бирлашишигача давом этиши шубҳасиздир. Интеграциянинг асосий мақсади – бу халқаро масштабларда хўжалик фаолияти самарадорлигини таъминлаш асосида ва натижада таклиф этилаётган товар ва хизматларнинг ҳажмларини ошириш ва уларни танлаб олишни кенгайтириш демакдир.

Замонавий шароитларда бозор иқтисодиёти мавжуд бўлган мамлакатларнинг интеграцион ривожланиши амалда зарурлигини назарий жиҳатдан асослаш учун ҳаракатлар XX-асрнинг 50-60 йиллардаёқ бир қатор хорижий олимлар Ж. Руэфф, Р. Шуман, В. Хальштейн, М. Панич, Е. Бенуа, Ж. Монне, П. Робсон ва бошқалар³² томонидан амалга оширилган.

“Анъанавий назария”га кўра, айрим тадқиқотчилар асосий таҳлил қилиш объекти сифатида фақат божхона иттифоқи (савдо-тижорат тўсиқларига барҳам бериш, муайян мувофиқлаштирувчи тартибни жорий этиш ва ҳоказоларни назарда тутувчи) доирасидаги иқтисодий асосларни белгилаганлар. Интеграциянинг шундай аталмиш статик (ҳаракатсиз) эффектлари божхона иттифоқига кирувчи ҳамда бошқа мамлакатлар ҳудудида бозорларнинг кенгайиши муносабати билан товарлар оқимини яратишни назарда тутуди.

Мазкур назария асосида «trade creation» ва «trade diversion» тушунчалари амалга киритилган. Ўз ўрнида бу тушунчалар тегишлича «савдо тамойилларини ишлаб чиқиш, янги товарлар оқимини яратиш» ва «савдони диверсификациялаш (кенгайтириш, ёйиш), «товар оқимларини диверсификация қилиш» маъноларини англатади. Мазкур назарияга мувофиқ интеграция жараёнида интеграцион гуруҳ аъзо мамлакатлари ўртасида ўша мамлакатларда бир хил турдаги ўхшаш товарларни анча қиммат нархларда ишлаб чиқаришни бартараф этиш мақсадида товарлар оқимлари яратилади. Аста-секинлик билан гуруҳ ичида ишлаб чиқарилаётган товарлар учинчи мамлакатлардан импорт қилинаётган товарлар ўрнини эгаллайди.

³² Экономическая теория национальной экономики и мирового хозяйства. – М., Фин. Акад. При Правительстве Р.Ф, 1997.

1.2. Ўзбекистоннинг сиёсий-мафкуравий муносабатлар тизими

Ғоялар мафкураси бирор миллатнинг туб миллий манфаатларини ифодаловчи фалсафий-ҳуқуқий категория, аниқроғи маълум жамиятнинг бош истиқболли тараққиёт йўлини ифодалайди. Демак, ғоялар умумий ва мафкура конкретлашгани сайин ҳар қандай жамият ҳаётида ва унинг ривожланиш босқичларида Юртбошимиз айтганидек, «Мафкура бўлмаса одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар»дир. Ва айна пайтда Ислом Каримов даҳо фикрларини янада қатъий таъкидлайди: «жамиятнинг, жамият аҳлининг мустаҳкам ва равшан мафкураси бўлмаса, ўз олдиға қўйган аниқ бир мақсад-муддаоси бўлмаса, у муқаррар равишда инкирозға юз тутғади»³³. Демак, мақсад-муддао ҳозирги жамиятни эркинлаштириш, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини куришда асосий омил бўлиб қолиши табиий. Давлатимизнинг, халқимизнинг, эл-юртимизнинг мақсади ўзининг улуғворлиги, ҳаётийлиги ва ҳаққонийлиги билан ҳаммамизни жалб этадиган, яъни халқни – халқ, миллатни – миллат қила оладиган кучға айланиши керак.

Ғоя ва мафкура – миллий сиёсат даражасига кўтарилиши, яъни тафаккур ривожига кенг йўл очиб бериши, шу аснода одамларнинг маънавий ва башарий ўсиши, айниқса, ёшлар камолотини таъминлаши – мақсад-муддао негизини ташкил қилади. Бунинг учун шаклланган ғоя ва мафкура сиёсатнинг инсонға ҳамқадам бўлиши, уни тушуниши талаб этилади. Бундай сиёсат нафақат расмий маҳкамалар орқали юргизилиши, балки жамоатчилик уюшмалари, ташкилотлар тарафидан ташвиқ этилиши лозим. Шундай шароитда ёрқин, миллий ғоя ва мафкурани эгаллаган ёшлар вужудға келади.

Миллий ғоя ва мафкура қудрати ва таянчида барча фаолиятимиз гўзал бўлмоғи, обод бўлмоғи даркор. Миллий мафкуранинг маъноси ва қиммати ҳамда улардан ҳосил бўладиган ижтимоий-сиёсий аҳамияти мана шунда, қайд қилади Юртбошимиз³⁴.

Мафкура тараққиёт пойдевори – таълим-тарбия орқали кадр-қимматни англайдиган, иродаси бақувват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадға эға бўлган ёшлар етишади. Мафкура ўзликни англаш, миллий ҳаётбахш кадриятларни эъзозлаш ва ҳар қандай шароитда азиз тутиш, яна шуни ҳам ўзимиз қатъият билан уқиб олмоғимиз керакки, у ҳаракатдағина қиммат топади, фаолиятдағина юзаға чиқади. Амалий ишлардағина ўзининг нима эканлигини исботлайди. Демак, мафкуранинг умумий мужассами ғоя тушунчаси бўлиб, ҳар қандай давлат ривожини муайян аниқ миллий ғоя-мақсадлар ақоидига асосланади. У Ўзбекистон – келажағи буюк давлат ақоидидир.

³³ «Мулоқот». 1998, 5-сон.

³⁴ «Халқ сўзи». 2006 йил 26 август.

Миллий ғоя нима? Унинг сиёсий, фалсафий-ҳуқуқий ва маънавий моҳияти қанақа? Миллий ғоя — истиқлол мафқурасининг туб мундарижаси, миллий юртнинг буюк мақсадлари сари чорловчи, сафарбар этувчи маёк. Мафкура ана шу маёклар ақоидидир. Миллий ғоя — ихтиро этилмайди. Ҳар даврнинг, ҳар бир халқнинг ўз камолот ғояларига эга бўлиши — қонуният. Шу нуқтаи назардан миллий ғоя — миллат уйғун камолотининг, комиллик ва маънавий-маърифий истиқбол сари интилишининг маънавий-руҳий, ахлоқий асоси, бош мақсад тактик йўли ҳамда стратегиясидир. Жамият миллий ғоя ва мафкура асосида қурилади: миллий ғоя биз қурмоқчи бўлган улкан имкониятга эга буюк давлат, сиёсий тузум, иқтисодий тузуму ижтимоий институтлар моҳиятларининг орзу қилиб, яшамокчи бўлган турмуш тарзи аломатларини белгилаб беради. Шу нуқтаи назардан миллий ғоя ва мафкура моҳиятан ноёб қадрият бўлиб, унинг юзага келиши ва шаклланишининг методологик асослари – ҳар бир тарихий давр ва тарихий шахс — етакчининг олий мақсади, олижаноб нияти, давлат ривожининг бош дастури ҳисобланади.

Мамлакатимизда муқаддас ғоя ва мафқуранинг бутун бир яхлит тизими ишлаб чиқилди. У қанчалик улуғвор ва мўътабар бўлса, жамиятдан шунчалик онгли фидоийликни, теран ақлий-ҳиссий масъуллик ва баркамолликни, сиёсий-ҳуқуқий, яъни иймон маданиятини талаб қилади ва ривожлантиради. Демак, миллий тикланиш мафқураси – истиқлол учун янги онг ва жаҳоний тафаккур дунёқараши кириб келди.

Миллий ғоя ва мафкура доимо ҳаракатда бўлмоғи, маълум маънода янгиланиб турмоғи, бошқа қадриятлар таъсирида бойиб бормоғи даркор. Йўқса, уни мутаассибликдан фарқи қолмайди. Шу билан бирга, у буқаламун сингари турланмайди ҳам. Жамият олдида турган вазифалар, шарт-шароит нақадар ўзгармасин, унинг асосий тамойиллари собит қолади. Бу жамиятнинг ўзига хослиги, мавжудлик шарти умуртқа поғонасидир. Негаки, оммавий ахборотга асосланган ҳар қандай жамиятнинг ҳам анъанавий жамиятдан мерос қолган ўзгармас маънавияти бўлади ва у тараққиётга, янгиликка пойдевор бўлиб хизмат қилади. Демак, Юртбошимиз қайд қилганларидек, уни тарғибот-ташвиқ қилиш зиёлилар, олимлар зиммасига юкланади. Бу ўринда ғоянинг натижаси ўлароқ мустақиллик ҳамжиҳатлик ўзаро ҳамкорлик, илм-фан, маърифатга таяниш, ижтимоий маданий тараққиётда, буюк мақсад йўлида қурашув демақдир. Айни вақтда мустақиллик — бу мамлакатнинг шаклланиши, ўзлигини англаши ҳамдир. Мустақилликда илк юксалиш юзага келади ва у ақл-идрокни, билимни, истеъдоду қобилиятни, фаолликни, куч-ғайратни талаб қилади. Шу нуқтаи назардан қарасак, миллий ғоя тарғиботи республика маркази фаолияти янада кучайиши муқаррардир.

Миллий ғоя ва мафкура ҳамжиҳатлик ва миллий тараққиёт йўлини белгилаб берувчи қарашлар ва қадриятларга асосланади. Бу эса ғояни халқ ичига олиб кириш

ватандошларимизни хусусан, ёш авлодни истиклол руҳида тарбиялаш жамият муассасалари, сиёсий фиркалар, маданий-маърифий ташкилотлар, мактаб, лицей, коллеж ва олий билим юртлари олдида турган муҳим вазифадир. Миллий ғоя ва мафкуранинг шаклланиши — миллатнинг юксалиши, ўзлигини англаши, айтиш вақтида мустақиллик тафаккурининг қарор топиши ҳамдир. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, миллат миллийлиги ҳар дамда кўз-кўз қиладиган тушунча эмас, лекин у ҳеч қачон унутиб юбориладиган, бутунлай кўз юмиладиган, назардан соқит қилинадиган ҳодиса ҳам эмас.

Миллий ғоя ва мафкуранинг шаклланиши – фикр қарамлигига, тафаккур қуллигига барҳам беради, эркин фикрловчи шахсларни тарбиялашга олиб келади. Шу орқали жамиятнинг ҳар бир фуқароси ўз ҳуқуқидан тўла фойдалана олади, бурчларини, масъулиятини тўла англаб, онгли равишда бажаради, натижада ғоя ва мафкура билан қуролланган шахсларнинг ҳаракати туфайли қонун миллий ҳуқуқ устуворлигига эришади. Миллий мафкурамизнинг мағзи, у халқни, миллатни бирлаштирувчи, йўналтирувчи байроқ сифатида Ўзбекистон халқининг руҳини, ғурур ифтихорини, қудратини, орзу интилишларини мужассамлантирадиган улуғ кучдир. Чунки, ҳозирги ривожланиш жараёнида бирор-бир ғоясиз мақсадга эришиш қийин. Бизда бу миллий ғоя ва мафкура бўлса, унинг мағзи-мақсадимиз ҳуқуқ билан мустаҳкамланиши эса унга эришиш йўлини таъминлайди. Юртбошимиз ҳам «бу борада бошқа муҳим йўналиш ва вазифаларни инкор этмаган ҳолда, аввало, аҳолимизнинг фаоллиги, сиёсий ва ҳуқуқий онгини ошириш бўйича қиладиган ишларимизнинг самарасини янада кучайтириш масаласи доимий кун тартибида туриши зарур»лигини уқтиради. Миллийлик — бу чекланиш, ўз қобиғига ўралиб қолиш дегани эмас. Бу илғор ғоя ва мафкуралар идеали, обрўси бошқа миллатнинг ана шундай фазилатлар билан тўлдирилишидир. Зеро, ғоя ва мафкура ўз моҳиятига кўра бир хил бўлса-да, ҳар бир миллат ўша ғояни турлича талқин этади. Демак, ғоя қанчалик миллийлашса, унинг янги-янги қирралари очилади ва жамият миллий мафкураси учун ҳуқуқий замин яратади. Ваҳоланки, миллий мафкура – жамият миқёсидаги ишларни тартиб-интизомга солиб турувчи тузуклардир. Демак, ғоя бу кишининг ички кечинмалари асосида шаклланади ва у ҳар бир шахсда диний ғоя, меҳнатга муҳаббат ғояси, ватанпарварлик ғояси ва ҳоказо ғоялар бир бутун мафкурага айланиб, ўша шахснинг йўлчи юлдузи бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам бу ўринда, айниқса ёшларда мақсадли ғоявий мафкурани, яъни шакл-шамойилларини ишлаб чиқиб, тадбиқ этиш зарурдир.

Шахс ғояси, унинг ғоявий қарашлари чекланган ҳолда намоён бўлиши ҳам табиий бир ҳолдир. Бироқ, шахс муайян бир муҳитда яшайди, ундан ташқарида эмас. Бу дегани у ўз давлатининг Конституциясига амал қиладиган. Ислом Каримов ўзининг «Буюк мақсад йўлидан адашмайлик» рисоласида шундай дейди: «Бу ҳужжат ўзида энг илғор ғояларни

жо этганини унинг энг демократик анъаналар асосида яратилганини бугунги кунда бутун жаҳон тан олмақда». Шунингдек, 1996-1997 йилларда эса "Буюк келажак сари", "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари", Таълим тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури каби Ўзбекистон миллий мустақиллик мафкурасининг бир қатор фундаментал жиҳат, йўналиши ва муаммоларини янада такомиллаштирувчи янги назарий концепциялар Президент Ислам Каримов томонидан илгари сурилди.

Бироқ, Ўзбекистон миллий мустақиллик мафкурасини мунтазам ва концептуал ишлаб чиқишда 1998-2000 йиллар айниқса самарали бўлиб, Юртбошимиз томонидан принципиал бурилиш характеридаги қадамлар ташланди: "Тарихий хотирасиз келажак йўқ", "Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилсин", "Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз", "Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда", "Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда", "Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир" асарлари яратилди. 2000 йил 6 апрелда бўлиб ўтган Ўзбекистон миллий мафкурасини яратиш зарурлиги тўғрисидаги қатъий талабни муҳокама қилиш мақсадида тўпланган олиму файласуфлар, сиёсатчилар, раҳбар-мутасаддилар маслаҳат йиғилишида Юртбошимиз тўғридан-тўғри муаммо ва йўналишларни асослаб бериб, ҳар бир мавзу ва муаммонинг назарий-методологик асослари ва амалий, мафкуравий-сиёсий йўналиши мазмунини ҳамда таърифини сўзма-сўз ёзиб олишга ундагандан сўнггина 2000 йил кузида "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" китоби пайдо бўлди.

Миллий ғоя ва мафкура халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, динига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғусини онгимизга сингдириши лозим. Бунинг уч асосий жиҳати бор: Биринчидан, ўзбек миллий мафкураси дейилса – бу чекланиш, ботқоқликка, худбинликка олиб келади. Балки мустақил давлатнинг миллий манфаат мафкураси, умумий мафкуравий ғояси деб тушуниш керак; Иккинчидан, турли ҳаракатлар, сиёсий партиялар мафкураси, йўл-йўриғи мафкуравий ғоядан четда ёки тескари бўлиб қолмаслиги керак. Ваҳоланки, мафкуралар ягона, бир бутун жамият миллий мафкурасига айланиши лозим; Учинчидан, миллий мафкурамиз глобаллашув мафкураси билан узвий боғлиқ — ўзбошимчаликка йўл қўймаслиги бўлиб, халқимиз қудрати ва ҳимоясига суянган ҳолда, умуминсоний қадриятларга асосланиб, жаҳон ҳамжамиятидаги давлатлар орасида тенг ҳуқуқли ҳамда муносиб ўрин эгаллашига доимий интилиш ҳиссини тарбияламоғи керак, деб ўйлаймиз.

Мафқуравий ғояни ўз онгига сингдирган инсон улуғдир. Чунки бола ота-онасидан мерос қилиб олган ва дунёга айтган биринчи сўзида миллий ғоя ва меҳр-мурувват, инсонпарварлик ифода қилинади. Ўз халқининг миллий ғоясига, анъаналарига, тили ва маданиятига муҳаббат ва ҳурматни тарбияламасдан туриб, ўз халқини бутун жаҳон наздида тенглардан, ўзлигини англаганлардан бири сифатида идрок қилувчи ҳақиқий инсонни, ўз Ватани жонқуярларини тарбиялаш мумкин эмас!? Ёзувчи Ҳабиб Сиддиқнинг «шу азиз Ватаннинг, шу муқаддас заминнинг фарзанди эканлигимиздан, унинг тобора гуллаб-яшнаётгани, халқаро ҳамжамиятда нуфузи ортиб бораётганидан фахрланаётганимизни сезиб туришсин», деган фикрлари айти муддаодир.

Миллий ғоя ва мафқурамиз ўзининг йўналишларига эга бўлиши, бизнингча, фақат Ватанимиз равнақи учунгина эмас, балки жаҳон давлатлари билан ғоянинг тушунчавий ҳамкорликни юзага келтириши лозим. Яъни, мустақиллигимиз ғояси ва мафқураси ривожланган мамлакатлар мафқурасининг истиқболли кадр-қимматларини ўзлаштирган ҳолда қудратлидир. Миллий ғоя ва мафқура бобида ўзбек халқи урф-одатлари, расм-русумлари, ахлоқи, одоби, умуман инсоний қадриятлари бошқа халқлар мафқурасидан кейинда турмайди, албатта. Йўлбошчимиз, «Ўзбек миллатининг, ўзбек фарзандларининг қобилият, зеҳн-заковат, тиришқоқлик борасида бошқа ҳеч бир миллат ёки халқдан қолишадиган жойи йўқ. Фақат мавжуд интеллектуал имкониятларимизни тўлиқ ишга солишимиз, улардан мукамал тарзда фойдалана билишимиз зарур. Ота-боболаримиз шухратининг соясига маҳлиё бўлиб юрадиган даврлар энди ўтди. Бугун жаҳон биздан ўз сўзимизни айтишимизни, ўз тафаккуримизни намоён этишимизни талаб қилмоқда. Бошқа халқлар, бошқа миллатлар бизга ётсираб-беписанд қарамаслиги, балки бизни эътироф этиши, бизни эҳтиром этиши керак. Биз ана шу юксак муносабат ва ҳурматга лойиқ бўлишимиз даркор», деб айтган доно фикрлари айнан миллий ғурур, ғоя, мафқура ҳеч қачон «бир миллат»га мансуб бўлмай, ўз ҳудудида яшовчи халқларнинг илғор ғоя ва тушунчаларини умумлаштириб, обдон пишитгандан кейин ўша ҳудуд халқи номидан мустақиллик миллий мафқурасига айланади. Демак, мамлакатимизда истиқомат қилаётган миллатлар ва элатларнинг миллийлиги ҳамда миллий қадриятларини англаш, ҳар бир миллат ва элатнинг эркин ва озод равнақ топиши сари йўл тутиши; Ўзбекистон халқларининг жаҳон ҳамжамиятидаги толерантлиги – тиллар тенглиги, айти пайтда “ўзбек миллати ўзининг тили ва динига, миллий қадриятларига эга бўлиши, тилларга тенг муносабатда бўлиши”³⁵ миллий ғоя ва мафқура тарғиботининг муҳим вазифалари сирасига киради.

³⁵ И.Каримов. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Т.: “Ўзбекистон”. 2007 й. 16-б.

Хулоса қилиб айтганда, миллат ва халқлар дўстлигини умуммақсади назарда тутилади. Конституциямизнинг асосий йўналиши ҳам шунга қаратилган. Истиклолимизнинг пойдевори миллий дўстлик ҳамда миллий ғоя ва мафкураси умуминсоний қадриятлар ва анъаналардан иборатдир. Жаҳон ҳамжамиятида эса мафкуравий ғоя жиҳатдан ҳам қудратли бўлаётганимизни ҳаётнинг ўзи тақозо қилиб турибди. Миллий ғоя ва миллий мафкура ўз ривожига кўра ҳуқуқий демократик тамойилларга тўлиқ асосланган ҳолда намоён бўлмоқда.

I-БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСА

Диссертация ишининг биринчи бобида интеграция сиёсий муносабатлар ва интеграция жараёнини тадқиқ этишнинг назарий-методологик асослари, интеграция жараёни тушунчаси, моҳияти ва мазмуни, илмий методологик жиҳатдан ўрганилди ва таҳлил қилинди. интеграциянинг ғоявий-мафкуравий асослари ижтимоий-фалсафий таҳлил этилди.

“Интеграция”, “мафкуравий жараён” ва “цивилизация” тушунчалари ўртасидаги фарқли ва умумий жиҳатларини аниқлаш орқали, уларнинг мазмунини очиб беришга ва таърифларига ойдинлик киритишга, Ўзбекистоннинг сиёсий-мафкуравий муносабатлар тизимини очиб беришга ҳаракат қилинди.

Интеграция –жуда кенг маънодаги тушунча. Бугунги кунга келиб кишилар интеграция жараёнининг моҳиятини яхши англаши, зарур.

Интеграция-ўзаро боғланган ҳолда ривожлантириш, бир бутун қилиб бирлаштирмоқ, яхлит ҳолга келтирмоқ деганидир. Интеграция турли хил қисм ва элементларни бир бутунликка бирлаштириш жараёнидир. Интеграция жараёнлари ташкиллаштирилган системаларда бўлиши мумкин – бу ҳолда улар система бутунлик даражасини ва ташкиллаштирилган даражасини кўтаради. Интеграция жараёнлари олдин боғланмаган элементларни бириктириш асосини ҳамда шаклланган системаларда ҳам юз бериб, натижада системани бир бутунлиги ва ташкилланиш даражаси ошишига, элемент ва таркибий қисмлар ўртасида алоқадорликка мураккаблашувига олиб келади. Бир бутунликка бириккан таркибий қисмлар турли хил даражада автономликка эга бўлади.

II-БОБ. ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИДА ҒОЯВИЙ-МАФКУРАВИЙ ЯНГИЛАНИШЛАРНИНГ КОНЦЕПТУАЛ ТАЛҚИНЛАРИ

2.1. Ҳозирги давр ҳалқаро муносабатларнинг ғоявий-мафкуравий таснифи

Дунё ўзгаришлари мазмуни умумий ёндашувларга, мураса ва ҳамжихатликка эришишга даъват этувчилар билан хусусий ҳақиқат тарафдорлари, яъни фақат ўз манфаатлари йўлида курашувчилар ўртасидаги бахс-мунозара кескинлигининг тобора ортиб бориши билан изоҳланмоқда. Инсоният яқдил фикр қилиш, умумий саъй-ҳаракатларга эришиш, сиёсий, ижтимоий ҳамда иқтисодий зиддиятларни фақат ялпи бартараф этиш учун курашиш зарурлигининг замон тақозоси эканлигини тобора равшанроқ англамоқда.

Бутун дунёда юз бераётган глобаллашув, яъни, умумийлашув жараёнларининг муштарак қисми сифатида намоён бўлаётган ғарбона демократлашув шарқ халқлари ҳаётига муайян қийинчиликлар орқали томир отмоқда. Бу йўлда ҳар бир давлат ўзига хос мураккабликлар даврини ўташига, баъзан эса кутилган натижаларнинг мутлақо тескари ҳолатларига рўпара бўлиб қолишига ҳам тўғри келмоқда. Агар демократиянинг асосий талабларидан бўлган инсон ҳақ-ҳуқуқларини тенг таъминлаш ва уни адолатли ҳимоялаш зарурати анъанавий буддавийлик динига сиғинувчи мамлакатларда, хусусан, Япония, Корея, Малайзия, Таиланд сингари давлатларда бир қадар силлиқ кечаётган бўлса, ислом қонунлари барқарор бўлган Шарқ мамлакатларида бу жараён жиддий катаклизмлар, сиёсий бўҳронлар, оғир йўқотишлар ҳисобига амалга оширилмоқда. Айни чоғда таъкидлаш зарурки, ҳаёт ривожини қонуниятларининг бетўхтов амал қилиши ҳамма ерда ҳам ўзгаришлар муқаррарлигини қайта-қайта тасдиқламоқда. Энг муҳими мазкур ўзгаришларни умумжаҳон глобаллашув жараёнларининг узвий жиҳати сифатида англаш даражаларининг турли хилда эканлиги муаммонинг самарали ечилишига асосий тўсиқ туриб қолмоқда.

Ғарбдаги моддий, реал манфаатлар устуворлиги қадриятдан фарқ қилиб, Шарқ халқлари учун бош қадрият маънавий омиллар, айниқса инсон шаъни, обрӯ-эътибори, нафсонияти, орияти, виждони ҳисобланиб келган. Маънавий талаблар эса ўз-ўзидан қадриятлар қаторини мутаносиблаштиришни, бирининг кетидан мантикий равишда иккинчисини қўйишни тақозо этган. Хусусан отага эҳтиром, она эъзози, ака ва ука ҳурмати, қавму-қариндошлар тотувлиги, қўни-қўшнилар аҳиллиги қадриятлар сифатида муайян кетма-кетликда, қадрланиш даражасига кўра иерархик шаклда ҳаётдан ўрин олиб келган.

Шарқ халқлари турмуш тарзи мураккабликларини тўғрисида ўлмас обидалар ёзиб қолдирган қадимги Хитой мутафаккири Конфуций дунё барқарорлиги фақат моддий

бойликларнинг тенг тақсимланишигагина эмас, балки умум томонидан эътироф этилган тенгсизликларга таянишга бевосита боғлиқ эканлигини таъкидлайди.

Биз бугун ялпи тенглик учун кураш ҳаракати муайян маънавий қадриятларнинг нархи пасайиши, инсонийлик, эзгулик сингари тамойиллар аҳамиятининг сусайишига олиб келганлигидан қатъий назар, ғарб мамлакатлари учун умумий юксак тараққиётга эришиш имкониятларини туғдирганлигини эътироф этмай иложимиз йўқ. Айни чоғда ялпи тенгликка эришиш жараёнлари оқибатида одамлараро муносабатлардаги илиқлик, маънавий қадриятларнинг нархи пасайиши, самимият, эзгулик, ҳамдардлик сингари тамойилларнинг ҳаётдаги аҳамияти сусайишига олиб келганлигини ҳам унутмаслигимиз зарурдир. Бугунги ғарб дунёси учун индивидуализм, эгоизм, конформизм, маргиналлик, шафқатсизлик хусусиятларининг шахс сифатларига айланиб қолаётганлигини оммавий ахборот воситалари ташвишланиб қайд этмоқда.

Тарақиёт эҳтиёжи халқларда миллий ғояни катта ижтимоий сиёсий зарурат даражасига чиқазади. Миллий ғоянинг бош мақсади ҳам одамларни умумий мақсадлар йўлида бирлаштиришдан иборатдир.

Ҳалқимиз жамоавий табиатли эканлиги боис, азалдан бирлашишга мойил бўлиб келган. Аммо, бу бирлашиш аксарият ҳолларда муайян уруғ, ҳудуд, қавм доирасидан юқорига чиқа олмаган. Ташқи душманлар эса халқимизнинг ана шундай тарқок бирлашувларидан усталик билан фойдаланиб келганлар. Бир уруғ ёки муайян ҳудудга қилинган таҳдидни бошқа уруғ ўзига кейинроқ муқаррар келувчи таҳдид тарзида етарли даражада англамаган. Тарихимизнинг деярли барча даврларида юз берган фожеалар тарқоклигимиз, миллат даражасида бирлашмаганимиз оқибатида юз бериб келган.

Истиклолимизнинг дастлабки кунлариданоқ юртбошимиз томонидан амалга оширилган тинимсиз саъй-ҳаракатлар натижасида халқимизнинг узоқ тарихи мобайнида ниҳоят миллий бирлашувга эришдик. Бу бирлашув гоҳ маҳаллий, гоҳ минтақавий ва гоҳ глобал таҳдидлар оғушида оғир синовлар жараёнида катта қийинчиликлар билан қарор топтирилди.

Шундай қилиб, таъкидлаш жоизки, миллий ғоя даставвал бирлаштириш моҳиятига эга бўлган мақсадларни тақозо этади. Шу боисдан юртбошимиз «биз авваламбор қандай жамият қурмоқдамиз, ўз келажагимизни қандай тасаввур этамиз, деган саволларга ўз жавобларимизни аниқлаштириб олишимиз, шундан кейин

одамларимизни ана шундай олийжаноб мақсадлар атрофида бирлаштиришимиз зарур»³⁶ деган эди.

Демократия тизимининг пировард мақсади инсонлар орзу-умидларини руёбга чиқариш экан, миллий ғоя бу мақсадга одамларни эзгулик йўлида бирлаштиришга хизмат қилади. Шундай қилиб, демократия одамларни турли сиёсий қарашлар, мазҳаблар, қизиқишлар, интилишлар, кайфиятлар, этник ўзига хосликлар негизида бирлашиб ҳаракат қилишларини тақозо этса, миллий ғоя алоҳида уюшган фуқароларни ягона мақсад даражасида жамланиб ҳаракатланишига маънавий замин ҳозирлайди.

Маълумки, инсоннинг ёшлик даври ҳаётининг ҳодисаларга турлича ёндашувлар, иккиланишлар, аниқ позиция, муносабатнинг етишмаслиги каби ҳолатлар таъсирида кечади. Бу даврда ёшларнинг дунёқараши шаклланишини, келгусидаги ҳаётининг йўлини белгилаб олишда ташқи омилларнинг, айниқса унга бевосита таъсир кўрсатадиган оила, мактаб ва жамиятнинг ўрни катта бўлади. Шарқ алломалари айнан бу даврни “мажнунлик даври” деб атайдилар. Шунинг учун ҳам инсон онгли ва энг олий мавжудот ҳисобланса-да, ҳар доим ҳам ижтимоий ҳаётдаги ўрнини, умр моҳиятини, мавжудлик учун масъуллигини ҳар доим тўғри идрок этавермайди. Инсон икки томонлама, зиддиятли, ҳатто олий даражада кутбий мавжудотдир. У илоҳий ва ҳайвоний, юқори ва паст, эркин ва кул, юксалиш ва тубанлашишга ҳам, пок муҳаббат ва фидойиликка ҳам, буюк ёвузлик ва чексиз атонизмга ҳам мойилдир. Унинг қалбида икки куч – яхшилик ва ёмонлик жиҳатларининг доимий кураши давом этади. Мана бундай вазиятда нафақат инсон, у ҳаёт кечираётган ижтимоий муҳит, жамиятнинг ўзи ҳам курашлардан холи бўла олмайди.

Инсоният тарихида турли хил ғоявий-мафкуравий курашлар кўплаб кузатилган. Уларнинг баъзиларида эзгулик, айримларида эса вайронкорлик руҳиятидаги кучлар ғолиб келган. Айниқса, кишилиқ таракқиёти ривожланиб боргани сайин бундай курашлар авжига чиқа бошлаган. Дунёнинг ҳозирги мураккаб ва серташвиш манзарасининг замирида ҳам мана шундай жараёнлар туради. Ўзбек халқининг ўзига хос менталитетини, дунёқараши ва қадриятларини ўзида мужассам қилган миллий ғоя бундай вазиятда асосий кураш воситамизга айланиб бормоқда.

Мафкуравий курашлар ва низолар кучайиб боргани сайин унинг янгидан янги турлари оммалашиб бормоқда. Мана шундай кўринишларидан бири ёшларимиз орасида кенг тарқалаётган “оммавий маданият”дир. “Биз бугун юртимизда янги ҳаёт барпо этар эканмиз бир масалага алоҳида эътибор беришимиз лозим. Яъни коммунистик мафкура ва ахлоқ нормаларидан воз кечилгандан сўнг, жамиятда пайдо бўлган ғоявий бўшлиқдан

³⁶ И. Каримов. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Асарлар, 8-том, 465-б.

фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган “оммавий маданият” ёпирилиб кириб келиши мумкинлиги барчамизга аён бўлиши керак”³⁷, – деган эди И.Каримов.

“Оммавий маданият”нинг тарғиботчи ва ҳомийлари, уларнинг ортида турган кучлар катта маблағ ва замонавий қурол-аслаҳаларга, илғор технологиялардан кенг фойдаланиш имкониятларига эга. Лекин улар сохта «гуманизм» ғояларига бурканиб, зимдан энг хавфли услуб, инсоннинг онгини эгаллашга интилмоқдалар. Уларнинг бу тутган услуби миллий кадриятларимизга тўғри келмайдиган, айниқса, ёш авлоднинг онги ва тафаккурини заҳарлайдиган бузғунчи мафкурадир.

Жамиятнинг маънавий-мафкуравий соҳасида “оммавий маданият”га, у олиб келаётган маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларига қарши кураш асосий вазифа бўлиб қолмоқда.

Оз бўлсада мафкуравий курашлардан чиқарилган хулоса, уларнинг оқибатидан орттирилган тажриба ва бошқа давлатлар, халқларнинг бу борадаги йўқотишларидан олинган ибрат мустақил фикрловчи, ҳурфикр, талабчан дидли одамлар қанча кўп бўлса, оммавий маданиятнинг бозори шунча касод бўлишини исботламоқда.

Бундай вазиятлардан чиқиб кета олиш, авваломбор унинг олдини олиш учун интилишдан бошланади. Бу борада миллий маънавиятнинг шаклланиши ва ривож олатда уч таркибий босқичда намоён бўлади.

Биринчи босқич – инсонга ёшлигидан сингдирилган маданий-маънавий қарашлар, ахлоқий кадриятлар, анъаналар, диний-рухий туйғулардан иборат. Бу бўғинда у оиласи, қариндош-уруғлари, маҳалласи, миллати, юрти билан бирлигини, унинг таркибий қисми эканлигини ҳис этади. Натижада, унинг онги ва қалбида миллий ғурур, ватанпарварлик туйғуси шаклланади. Бу жараёнда шахсда **ҳақиқий фуқаролик** туйғулари шаклланади.

Мафкура кўринишидаги иккинчи босқич маълумот, ахборот тўплаш, асосан сўз, мулоҳаза, ибрат, ғоя ва назариялар даражасида ифодаланади. Инсон маънавий мерос, кадриятлар билан танишади ва уларни ўзлаштиради, янгиликни дунёқарашига сингдиради. Бу – ишонч бўғинидир. Таассуфки, ёшларимизда маънавий меросимиз ҳақидаги билимлар ҳамон саёзлигича қолиб кетмоқда.

Учинчи босқич – билим, ижодий изланиш билан белгиланади. У одамларнинг тафаккурида маърифат, дунёвий маънавият тимсолида намоён бўлади. Буюк

³⁷ И. Каримов. Ватанимиз ва халқимизга садоқат билан хизмат қилиш – олий саодатдир. “Ўзбекистон”, 2007. 22-б.

алломаларимизнинг кудрати ана шу дунёвий маънавиятни диний билимлар, маънавият билан узвийликда камолга етказганликларидадир.

Демак, маънавиятимизга, келажагимизга “оммавий маданият” каби хавф-хатарлар раҳна солиб турар экан, бизнинг бу борадаги вазифаларининг методолгик асосини бундай курашларда орттирилган тажрибаларни, янгиликларни қабул қилиш, қадриятларга, аждодлар руҳига таяниш ва янгиликларнинг ижодий равнақини тарбиялаш бўлиши зарур.

2.2. Глобал ва минтақавий мафкуравий ғояларнинг ривожланиш тенденциялари

Глобаллашув жараёнлари энг илғор, янги технологиялар асосида ишлаб чиқариш, тезкор замонавий коммуникация ва алоқа воситалари орқали ахборот соҳасининг ривожланиши ва одамларнинг бошқа фаолиятлари учун ҳам қулай шароит яратиб, бу борада чекланмаган имкониятларга йўл очмоқда. Аммо, глобаллашув жараёнларининг ҳозирги дунёда бир қатор ихтилоф ва зиддиятларни келтириб чиқараётган жиҳатлари ҳам мавжуд. Булар қаторида, аввало, маданият ва унинг бош томирини ташкил этган маънавий-ахлоқий қадриятларга бўлган муносабат жиддий эътиборни талаб этади. Шу жиҳатдан глобаллашувга бутун дунёни қамраб олган маданий инқилоб, дея таъриф бериш ҳам мумкин. Бугунги кунда улар ҳар қайдай мамлакат, хусусан, Ўзбекистон учун олға ҳаракат қилишнинг самарали шарт, жамият маънавий-ахлоқий соғломлигининг кафолати, кучли давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашига бўлган умид таянчини ташкил этади.

Шу ўринда савол туғилади. Глобаллашув фақат тарихий тараққиёт мантиғи билан боғлиқ табиий жараёнми ёки уни кимнингдир иродаси ҳам бошқаряптими? Бугунги кунда кучли, етакчи давлатлар қаторига асосан Ғарб давлатлари кириши ҳамда икки қутбли дунё барҳам топиши билан улар яққа ҳукмронликка интилаётгани маълум. Рус олими В.Л.Иноземцев бу борада шундай ёзади: “Глобаллашув, аслини олганда, кўкларга кўтариб мақталаётган “умуминсоний қадриятларга таянувчи ягона тамаддуннинг шаклланиш жараёнини эмас, балки мутлақо ўзга ҳолатни – жамиятнинг “ғарбона” моделининг экспансиясини ва дунёнинг ана шу моделга мослашишини ифодалайди. Бугун глобаллашув деб аташаётган жараённи, ғарблаштириш, дея аниқроқ ифодалаш мумкин”³⁸.

Албатта, Ғарб илм-фани ютуқларидан фойдаланиш, янги замонавий технологияларини ўзлаштириш, бу борада ҳамкорлик қилиш мумкин ва зарур. Аммо, модернизациялаш йўлида Ғарб маданиятини ва қадриятларини ҳам тўлиқлигича

38 Иноземцев В.Л. Вестернизация как глобализация и “глобализация” как американизация. // “Вопросы философии», 2004. №4. - С. 60.

Ўзлаштиришга ҳаракат қилган мамлакат қатор муаммоларга дуч келганлиги тарихдан маълум. Бундай “тажриба” натижасида ўзининг қайси маданиятга мансублиги ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлмаган, ўзлигини англашдан маҳрум бўлган жамият, ички зиддиятларга тўла давлат шаклланади. Шунинг учун, минглаб йиллик тарихга эга бўлган давлатлар маданий ўзига хосликни сақлаган ҳолда, давлат ва жамиятни модернизациялаш йўлини танлаган ва ғарблашмай туриб тараққиётга эришмоқда. Лекин, бу Ғарб давлатларини қониқтирмаслиги аниқ. Жаҳон иқтисодиёти ва сиёсатида ҳакамликни даъво қилаётган кучли давлатлар дунёга эгалик қилишнинг энг нозик ва шу билан бирга энг кучли воситасини ҳам ишга солмоқда. Бу маданият соҳасидаги гегемонликка интилиш.

Глобаллашувнинг замонавий “либераллари” “демократия”, “инсон ҳуқуқлари” каби муқаддас қадриятларни ниқоб қилиб олиб, халқларни маҳаллий манфаатлари, азалий қадриятлари, ахлоқ нормалари ва анъаналаридан изчиллик билан узоклаштириш сиёсатини қўллаб-қувватламоқда.

Миллий маданият ўрнига “умумжаҳон маданияти” сифатида тақдим этилаётган “оммавий маданият” кўринишидаги бу маданиятни америкача яшаш тарзи, даромадни максимал кўпайтириш ғоясига садоқат асосида шаклланган, Макдональд ёки Кока-кола сингари компаниялар рамзида ўз ифодасини топган “истеъмолчилик маданияти” деб номлаш мумкин. Шу ўринда “истеъмол”, “истеъмолчи” билан “истеъмолчилик маданияти”, “истеъмолчилик кайфияти” тушунчалари ўртасидаги чегарани белгилаш керак бўлади. Албатта, инсон аввало истеъмолчи эканлигини рад этиб бўлмайди. Бирок, истеъмолчилик маданияти кишидаги энг паст инстинктларга суянади, уларни кўзгайди, истеъмолчилик кайфиятини уйғотишга қаратилади. Истеъмолчилик кайфиятига берилган инсон эса барча нарсага фойда нуқтаи назаридан ёндошади. Эзгулик, мурувват, меҳр, муҳаббат, Ватан, халқ, ўзгалар тақдири учун жавобгарлик каби туйғу ва тушунчалар “қоринни тўйдирмайдиган” беҳуда дардисарга айланади. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг қўшма мажлисидаги маърузасида Ўзбекистон Президенти И.Каримов: “...Жамиятда пайдо бўлган ғоявий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган “оммавий маданият” ёпирилиб кириб келиши мумкинлиги барчамизга аён бўлиши керак” лигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Истеъмолчилик кайфияти ўзагини ташкил этган оммавий маданият асл кишилик маданиятига зид, уни поймол этадиган, моҳиятини бутунлай бузадиган ва охир-оқибат инсонни жон сақлашдан ўзга мақсади бўлмаган жонзот, ҳайвон даражасига, туширадиган, халқни эса оломонга айлантирадиган ҳодисадир.

Шунинг учун, ЮНЕСКО ташкилотининг сўнгги йилларда турли халқ ва худудларнинг моддий маданий ёдгорликларини сақлаш билан бир қаторда, миллий урф-одат, анъана каби номоддий маданиятини асраб-авайлаш масаласига алоҳида эътибор қаратаётгани бежиз эмас. Ғарб либосидаги оммавий маданият интервенцияси, табиий равишда, миллатларнинг, халқларнинг, миллий маданиятларнинг ҳимояланишга чоғлайди ва зиддиятларнинг кучайишига олиб келади.

Фақат юксак маънавиятга, минг йиллик маданий меросга суянган халқ, давлатгина тараққиётга эришиши мумкинлиги бугунги кунда тобора равшан ҳақиқатга айланмоқда. Ўзбекистон мустақилликнинг илк йилларидаёқ айна шу йўлни танлади.

Масаланинг яна бир жиҳати шундаки, Америка ва умуман, Ғарб дунёси ўзи қавлаган чуқурга ўзи тушмоқда. Масалан, америкалик таниқли файласуф ва сиёсий шарҳловчи П.Ж.Бьюкенен “Ғарбнинг ҳалокати” китобида ўз юртининг (ва умуман Ғарб дунёсининг) таназзулини аввало, маданиятнинг емирилаётгани, азалий урф-одатларнинг йўқолаётгани, асрлар давомида эъзозлаб келинган қадриятларнинг топталаётгани билан боғлайди ва бундай ишларнинг тепасида турган “маданий инқилобчилар”ни “замонамиз толибонлари” деб атайти.

Ғарб мутахассисларининг ўз мамлакатларида содир бўлаётган жараёнлар ҳақидаги фикр-мулоҳазалари асосида хулоса қилиш мумкинки, глобаллашув жараёнларини бошқариб, дунёга эгаллик қилишга интилаётганлар ўзгалар учун тайёрлаган ошни ўзлари “айланиб ҳам, ўргилиб ҳам” ичишга мажбур бўлмоқда.

Турли миллат ва халқларнинг кенг маънодаги ижтимоий, маънавий, ахлоқий ва эстетик идеаллари мавжуд ва уларни авайлаб-асраш, уларга таянган ҳолда одамлар ҳаётини тартибга солиш инсонпарвар жамиятнинг асосий белгиларидан бирини ташкил этган. Айниқса, бугунги кунда, етакчиликни даъво қилаётган давлатлар даромад олиш ва истеъмолчилик кайфиятига қаратилган тубан қадриятларни асл қадрият сифатида дунё халқларига тақдим этаётган бир шароитда, унга қаршилик кўрсатиш ҳамда миллий маданий-маънавий илдизларни сақлаш муҳим аҳамият касб этади. Глобаллашувнинг энг долзарб бўлган маданиятлараро муносабатлардаги бу тенденциялари бизнинг давримизда зиддият кўринишини касб этмоқда.

Инсоният дунёнинг ранг-баранглиги асосидаги бирлигини англаса, тан олса, миллий ва умуминсонийликни оптимал даражасида бирлаштира олса, интеграциялашув жараёнининг замини яшовчан ва мустаҳкам бўлади. Оломон дидига мос “оммавий маданият” эса кишини инсонлик мартабасидан маҳрум этадиган ва демак, инсоният тамаддуни заминини ўлдирадиган заҳри қотил вазифасини ўтамоқда.

2.3. Миллий ғоянинг жамият ижтимоий-сиёсий тизимида намоён бўлиш хусусиятлари

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон ижтимоий ҳаёти ривожланиши мафкуралар ва фикрлар хилма хиллигига асослана бошлади. Бу ривожланиш ва тараққиёт учун ғоявий жиҳатдан чексиз имкониятларни юзага чиқариш, инсонлар салоҳиятидан фойдаланиш, у ёки бу муаммони «бир хил», «белгилаб қўйилган» стандарт, режа, андозалар асосида эмас, унинг турли хил йўлларини, шарт-шароитларини, омилларини ҳисобга олган ҳолда ёндашиб ҳал этиш имкониятини берди. Буни иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий ҳаётни изчиллик билан модернизациялаш жараёнларида кўриш мумкин. Масалан, мулкнинг хилма-хиллиги ғоясини эътироф этилиши ва унга ўтилганлиги, иқтисод соҳасининг эркин ривожланиши учун миллий ғоя ва мафкурани ҳаётга тадбиқ этиш имкониятини беради. Ижтимоий-сиёсий ҳаётда турли хил сиёсий ва ижтимоий институтлар фаолият юрита бошлаганлиги уларга ўз ғояси ва мафкураси билан боғлиқ ҳаёт муаммоларининг ечимига қарашга, турли хил йўлларини излашга шароит яратилмоқда!? Плюрализм асосида шаклланаётган сиёсий муҳит турли хил фикрларни, ғояларнинг юзага чиқишига, жамиятни мафкуралар хилма-хиллиги асосида ривожланишига муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Энг муҳими, демократик ижтимоий идеал, ғоя ва жамият ўртасидаги боғлиқлик янгича концептуал асосда, муносабатда ўзининг ечимини топа бошлади. Инсон онги ва тафаккурининг жамият ҳаётига фаол таъсири билан боғлиқ янги ғоялар, қарашларнинг устувор аҳамиятига эътибор берилга бошланди. Бунга назарий-методологик жиҳатдан ёндашганда уни И.А.Каримовнинг «онг ва тафаккур ўзгармаса ҳаёт ўзгармайди» деган ғоявий концептуал фикрида аниқ кўриш мумкин. Бу ғоя ва жамият муносабатида шаклланган анъанавий қарашларни ҳам янгича идрок этилишига ундайди, ғоя ва мафкуравий қарашларнинг жамият ҳаётига таъсирига алоҳида аҳамият беришга олиб келади. Жамият ҳаётида айрим ғояларни ақидага айлантириш қанчалик носоғлом муҳитни, қарашларнинг шаклланишига сабаб бўлса, бунёдкор, эзгу ғояларнинг жамият тараққиётига йўналтирувчилик кучини англамаслик демократик ғояларнинг маъносига зид ҳолатдир. Бу оддий ҳақиқатни англамаётган, бизни танлаган йўлимиздан қайтаришга уринаётган носоғлом, жангари гуруҳлар фаолияти билан боғлиқ ғоялар ҳамон учраб турибди. Улар демократик тафаккур, мафкуралар хилма-хиллигини эътироф этишдан йироқ, ақидапараст кучлардир. «Ақидапарастлик» ғояси миллий ғояга ҳам, мафкуралар хилма-хиллиги ғоясига ҳам мутлақо тўғри келмайди. Чунки, уларнинг онгида ва тафаккурида айрим ақидани охириги ҳақиқат деб қабул қилиш орқали, ундан билиб ёки билмасдан тажовузкорлик мақсадида фойдаланишга уриниш мавжуд!?

Шунинг учун ҳам ҳар бир инсон ўзида демократик онг ва тафаккурни, ғояни шакллантириши муҳимдир. Юртбошимиз айтганларидек, «Демократик тафаккур жамиятни ҳар қандай диний ақидапарастлик оғуси таъсиридан фориғ этишга кодир». Демократик тафаккур эса очиқ жамият тамойилларига, мафкуралар, ғоялар хилмахиллигига асосланади. Унга амал қилиш ижтимоий ҳаётнинг муҳим асосидир. Унинг миллий негизларига алоҳида аҳамият бериш лозим. Жамиятда фуқароларимизнинг мустақил ва эркин фикрлаш, баҳсмунозара юритиш кўникмаларини оширишга эътиборни қаратиш, демократик тамойиллар билан ижтимоий ўзгаришларни узвийликда кўриш ва ыдрок этиш маданиятини, масъулиятини шакллантириш муҳимдир.

Ҳозир Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат куриш жараёнлари бераётган эркинликлар ва имкониятлардан устамонлик, ўта қувлик ва ҳозиржавоблик билан фойдалана оладиган шундай диний ақидапарастлар ва экстремизм вакиллари борки, улар давлат идора ва бошқаруви, аниқса диний ақидапарастлик ва экстремизмга қарши кураш тизим, бўғинларига кириб олиб, шундай устамон сиёсат олиб боришга эришмоқдаларки, натижада, биздаги тарғибот-ташвиқот амалда ўзининг тескарисига айланиб, диний ақидапарастлик ва экстремизм ғоялари, шахслари, уларнинг асарлари ва мақсадларини давлат йўли билан тарғиб ва ташвиқ этилишига олиб келмоқда. Юқоридагилар ёшларнинг онги, дунёқарашини фаоллаштириш, қатъий шакллантириш таълим тизимининг барча бўғинларида амалга ошириш зарур эканлигини кўрсатади. Бунинг учун эса диний ақидапарастлик, халқаро терроризмга қарши маънавий-маърифий, ғоявий қадриятлар ёрдамида курашишда қуйидаги бир неча мураккаб тушунча, категория, истилоҳлар, атамаларнинг илмий-фалсафий, категориал ва мафкуравий-ғоявий функционал маъноси, аҳамияти ҳақидаги ёшларнинг тўғри, ҳозиржавоб дунёқарашини шакллантириш зарур.

Ўзбекистон Республикаси конституцион қонунлари ҳамда ҳуқуқий-сиёсий фанлар атамалари орасида "Эътиқод, виждон эркинлиги" тушунчаси, категорияси бор. Улар асосида "Эътиқодий бағри кенглик" тушунчаси тўғрисида гапириш мумкин. Бу ҳол тасодифий эмас. Чунки, а) динлар қонунларга биноан фаолият кўрсатадилар, улар орасидаги алоқа, муносабатлар ҳам қонунлар билан тартибга солинади. Диний ташкилотлар истаган, айниқса ножўя, сиёсий, экстремистик хатти-ҳаракат қилишга ҳақли эмаслар. Динлараро муносабатлар мафкура ёки шахсий кечинмалар асосида эмас, балки қонунлар орасида тартибга солинади, бошқарилади; б) динларга, айниқса, у ёки бу мазҳаблар ғоя, мақсад, шиорларига эътиқодий бағри кенглик кўрсатиш, инсоний адлу инсоф юзасидан маносабатда бўлиш, бўлмастик эса ҳар бир фуқаронинг шахсий,

ички виждоний-эътиқодий, ахлоқий иши, фуқаролик эркинлигидир (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 11 = 7:31).

Ўзбекистонда миллий ғоянинг бош мақсади келажаги буюк давлат қуриш бўлса, миллий мафқуранинг вужудга келиши борасидаги мамлакат Президенти Ислом Каримов таълимоти алоҳида аҳамиятга моликдир. Давлат бошлиғидан бошқа ким ҳам миллий мафқуранинг ривожланишини тўғри йўлга солиши мумкин? У киши нафақат ислохотларнинг, балки миллий давлат суверенитетининг, янги ўзбек давлатчилиги моделининг ҳам муаллифи эканлигини алоҳида таъкидлашимиз лозим.

Маълумки, давлат бошлиғи вазиятни аниқ баҳолашни, тўғри ечимини топишни, одамларнинг миллий мафқурани рўёбга чиқариш учун сафарбар қилиш ниятида уларнинг ақл-идроқи ва ғайрат-шижоатига таъсир қилиши, воқеаларнинг боришини ҳамда сиёсий жараёнларнинг заруратга қараб йўналишини ўзгартириши, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги моделлаштиришни чуқу билса, у объектив равишда ўша давлатнинг бош ва асосий мафқурачисига айланади. Натижада, унинг таҳлили ва хулосасига кўра мамлакатнинг макроиктисодий, ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан ялпи ривожланиши вазиятни бир хилда стратегик ғояларни ишлаб чиққан ҳолда баҳолаш учун шароит яратилади. Бу борада Президент Ислом Каримов олиб бораётган тадбирлар асосида мамлакатни бошқаришнинг стратегик ривожланиш мезонлари ва принциплари, миллий мафқуранинг асосий қоидалари ишлаб чиқилди ва амалиёт мезони бўлиб қолди.

Миллий ғоя ва мафқурани шакллантиришда мамлакат раҳбарининг роли миллий манфаатлар инъикоси жараёни билан ҳам белгиланади. Миллий манфаатлар инъикоси шахс, айрим ижтимоий қатламлар ва гуруҳлар ҳамда жамият манфаатлари мажмуидир. Уларни аниқ тушуниш ҳамда таърифлаш учун тегишли қоида, ғоя ва мафқура яратиш учун давлатни бошқариш амалиёти, халқаро муносабатларда қатнашиш тажрибаси бўлиши керак. Давлат раҳбари миллий манфаатларни ҳимоя қилибгина қолмай, уларга конкрет шакл бахш этади.

Аниқ шаклда ифодаланган, давлат ёрдамида шакллантирилган ҳамда асосланган миллий мафқура йўлйўриқ ва хаттиҳаракатнинг тегишли мезонларини ривожлантириш омили сифатида намоён бўлади. Бошқача қилиб айтганда, амалиётга «айланиш» учун мафқуравий таъминланганлик зарурлигини юзага келтиради. Миллий манфаат миллий ривожланишнинг стратегик эҳтиёжларини талқин қилиш жараёнида жамиятни бошқариш пирамидаси чўққисидан туриб англанилади.

Миллий ғоя ва мафқурани шакллантиришнинг муҳим омилларидан бири, энг аввало, мамлакат раҳбари Ислом Каримов асарларини чуқур ўрганиш ҳамда мамлакатни стратегик

ривожлантириш амалиётини билишдан иборат. Демокчимизки, миллий мафқурани ривожлантириш борасидаги Президент асарларининг нашр этилиши айна муддао бўлмоқда, у тафаккуримиз манбаига айланмоқда.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, миллий мафқура ривожланиб бориши, амалий бўлиши керак. Акс ҳолда, у қуруқ баёнлигича қотиб қолиши ҳеч гап эмас. Мустақиллик йилларида миллатимизнинг, айникса, ёшларнинг жипслиги кучайди. Тафаккуримиз юксалди.

Дарҳақиқат, бугун биз қураётган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг маънавий биноси мустаҳкам бўлиши лозим. Бу эса, энг аввало, фуқароларни, айникса, ёшларни чуқур билимли; теран фикрли, ўз ўтмиши дурдоналаридан ва маънавий кадриятларидан хабардор, ватанпарвар, ҳақиқатпарвар, фидойи қилиб тарбиялашни тақазо эгади. Комил инсон шахсини тарбиялаш эса энг мураккаб ва кийин жараёндир. Бу жараённи амалга ошириш улар онгига миллий кадриятларни сингдириш мақсадга мувофиқдир. Демак, бугунги ёш авлод ўз тарихини, маданиятини, миллий кадриятларини, тилини, динини ва урф-одатларини мукаммал билсагина, мустақилликнинг асл моҳиятини чуқурроқ англаб етадилар. Миллий истиқлол мафқураси ҳам ана шу миллий кадриятларимизга асосланиб яратилиши бежиз эмас. Бу ўринда Президентимиз И.Каримовнинг «Ҳар бир фуқаро аждодларимизнинг бебаҳо мероси, миллий кадрият ва анъаналаримизга муносиб бўлишига эришиш, юксак фазилатли ва комил инсонларни тарбиялаш, уларни яратувчилик ишларига даъват қилиш, шу муқаддас замин учун фидойиликни ҳаёт мезонига айлантириш миллий истиқлол мафқураимизнинг бош мақсадидир», деганларни айна муддаодир.

Хўш, миллий кадриятларнинг бош йўналиши ва ғояларини ҳамда яратувчиларини кимлар ташкил қилган? Улар ҳақида ёшларимиздаги тасаввур ва билим даражаси қандай? Қайд қилиш лозим, ўрта асрлар уйғониш даври бунёдкорлари бўлмиш алломалар бизнинг аждодларимиз эканлигидан минг бора фахрланамиз. Ахир, жаҳонда XI асрдан бошлаб, ҳанузгача алгебра фани асосчиси Муҳаммад ал-Хоразмий номи улуғланади. Ҳозирги замонда космик кемалар, ҳаво транспорти, ҳисоблаш техникаси, компьютерлар, ишлаб чиқаришдаги технологик жараёнлар алгоритм қоидаси асосида ишлайди. Бу математик усулни биринчи бўлиб ал-Хоразмий яратган.

Абу Наср Форобий инсон ақлий ва ижодий фаолиятининг такомиллаша боришида мусиқий оҳангларнинг физикавий ҳолатига асос солди. У мусиқанинг математик назариясини яратди. Геодезия, минерология, фармогнозия илмларини биринчи бўлиб Абу Райҳон Беруний кашф этди. Шоҳ ва аллома олим Мирзо Улуғбек осмон жисмлари қуёш, ой, сайёралар, юлдузлар ҳаракатидаги ўзига хос томонларини чуқур ўрганиб, янги

илмий хулосалар чиқарди. Ой ҳаракати назариясини яратди, математикани янада бойитди. Янги календарлар тузди, унга тўлақонли илмий изоҳлар берди.

Фалсафий тафаккурни дунёвий билимлар билан бойитишда ал-Хоразмий, Улуғбек, Форобий, Ибн Сино жаҳон тиббиёти асосчиси каби олимлар. Аҳмад Яссавий, Кубро, Нақшбанд каби мутассавифлар, ал-Бухорий, ат-Термизий каби муҳаддислар ва Навоий, Бедил каби бадиий тафаккур соҳиблари катта ҳисса қўшдилар. Яна юзлаб алломаларимиз ҳақида тўлқинланиб гапирамиз. Чунончи, Аҳмад Фарғоний сув ўлчови бирлиги ҳамда глобусни яратган бўлса, аз-Замахшарий араб тили грамматикасини вужудга келтирди, Б.Марғиноний фикҳ (ҳуқуқ) илмини янги қарашлар билан бойитди.

Бундай буюк яратувчанлик миллий кадриятларимиз сифатида улуғланар экан, уларни ўрганиш, ўзлаштириш ёшларимизнинг энг биринчи, долзарб вазифаси бўлмоғи керак. Уларда бу кадриятларимизга бўлган муносабат ўзгарди. Ахир, фанларни ўзлаштиришда миллий кадриятларимизнинг роли нечоғлик буюк эканлигига, алломаларимизнинг асос солган илмий-назарий хулосаларини юқорида қайд қилганимиздек, билишимиз ниҳоятда зарур.

Миллий кадриятларни ёшлар онгига етказиш ва сингдиришда тарих фани алоҳида аҳамият касб этади. Уни ўқитиш жараёнида миллий ғоя ва мафкура, миллий кадриятларимиз орқали сингдириб борилади. Чунки халқнинг маънавий ва моддий мероси бўлмиш анъаналар, урф-одатлар, маросимлар, имон-этиқоди асрлар оша сақланиб қолди ва мукамаллашиб тарихга айланди.

Умуман олганда, миллий кадриятларимиз ахлоқ, одоб, ишонч, меҳр-шафқат каби юксак инсоний фазилатларни шакллантиришга замин эканлигини ёшлар онгига сингдириб боришимиз ниҳоятда лозим. Ўзлигини англаган, "авлод-аждодининг кимлигини, тарихини, насл-насабини билган шахсда – ўз халқи, миллати билан фахрланиш ҳисси уйғонади. Демак, бугунги давр талаби ёшлар дунёқаршида юксак дунёвий тасаввурларни шакллантиришда халқимизнинг бой мероси, миллий ғоя ва мафкурасидан тўғри фойдаланиш катта аҳамият касб этади.

Бизга маълумки, демократик давлат, фуқаролик жамиятининг асосларини шакллантиришда аҳоли, жумладан, ёшларнинг фаоллиги алоҳида аҳамият касб этади. Ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда эса, мафкуравий омил муҳим ўрин тутди. Шу жиҳатдан, халқимизни бирлаштирадиган, унинг эзгу мақсадлари ва ҳаётий манфаатларини ўзида мужассам этадиган миллий ғояни шакллантириш ва уни ёшлар онгига сингдириш мафкуравий соҳадаги долзарб вазифалардан бўлиб қолмоқда. Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Олдимизга қўйилган олижаноб мақсад-муддаоларимизга етиш, эски мафкуравий асоратлардан батамом халос бўлиш, ғоявий бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик, бегона ва ёт ғояларнинг хуружидан ҳимояланиш, бундай тажовузларга қарши тура оладиган ҳар томонлама баркамол инсонларни вояга

етказиш зарурати халқимиз ва жамиятимиз манфаатларига мос янги мафқурани шакллантиришни тақозо этмоқда”.³⁹

Албатта, миллий ғоянинг шаклланиши ва ривожланишини қандайдир муайян тарихий вақт билан чегаралаш қийин. Чунки, мафқуравий саҳа ҳам ижтимоий ҳаётнинг асосий соҳаларидан биридир. Бу эса ўз навбатида, мафқуравий фаолият ҳам узлуксиз жараён эканлигини англатади.

Ана шундан келиб чиққан ҳолда, 2006 йил 25 августда Ўзбекистон Президенти «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида» қарор қабул қилди. Қарорга мувофиқ Миллий ғоя ва мафқура илмий-амалий маркази ташкил этилиб, унга қуйидаги вазифалар белгиланди:

- Миллий ғоя ва мафқура билан боғлиқ муаммоларни, мафқуравий жараёнларни таҳлил этиш ва баҳолаш, устивор йўналишларни аниқлаш, уларнинг аҳоли қатламларига таъсирини ўрганиш, миллий манфаатларимизга зид ғоялар ва мафқуравий хуружларнинг моҳиятини очиб бериш;

- амалга оширилган илмий изланишлар натижаларини таҳлилий материалларнинг хулосаларини ОАВ орқали жамоатчиликка етказиш⁴⁰;

- маънавиятнинг, миллий маънавиятимизнинг қадимий илдизлари ва бугунги кундаги ривожланиш тамойиллари ҳақида аниқ мақсадга қаратилган тарғибот ишларини мунтазам равишда олиб бориш.

Кўринадики, “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги қарор ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялаш катта аҳамиятга эга бўлиб мазкур вазифаларни бажариш эса, миллий зиёлиларга, айниқса, соҳа вакилларига улкан маъсулият юклайди.

Ушбу нуқтаи назардан, ёшларнинг маънавий тарбияси ва унда миллий ғоянинг тутган ўрни ва ролини таҳлил-тадқиқ этиш давримизнинг долзарб муаммоларига киради ва бу қуйидаги омиллар билан белгиланади:

Биринчидан, аҳолининг ҳар қайси тоифаси ва қатламларининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолдаги мафқуравий фаолият асосида маънавий муҳитни юксалтириш диққатимиз марказида туриши керак. Бу эса, табиийки, алоҳида ижтимоий-демографик гуруҳ бўлган ёшларга ҳам бевосита таалуклидир. Агар, мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоизини ёшлар ташкил этишини ҳисобга олсак, юқоридаги масаланинг ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга молик эканлигини кўриш мумкин.

³⁹ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., 2000. 3-бет.

⁴⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий ғоя ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги қарори. Маърифат газетаси. 2006. 68-сон.

Иккинчидан, жамиятимизни ислоҳ этишнинг маънавий ва мафкура соҳасидаги энг асосий вазифаси миллий қадриятларимизни тиклаш, уни умуминсоний қадриятлар билан бойитиш, ўзлигимизни англаш, миллий ғояни шакллантириш, муқаддас динимизни сохталаштиришга йўл қўймаслик, унинг маънавий ҳаётимиздаги ўрнини ва хурматини тиклаш каби мустақиллик йилларида бошланган эзгу ишларни изчиллик билан давом эттириш, уларни янги босқичга кўтариш ва ёшларга таъсирчанлигини кучайтиришдир.

Ижтимоий-тарихий амалиёт ва назарий таҳлиллар асосида айтиш мумкинки, миллий мустақилликни қўлга киритган ҳар қандай давлат ўтиш даврининг мураккаб кийинчиликларини бартараф этиш учун, албатта, унинг туб мақсадлари ва манфаатларини ифодалайдиган мафкураси ҳам мавжад бўлмоғи лозим. Халқ оммаси, айниқса, ёшлар қайси жамиятда яшашидан қатъий назар нимагадир ишонини, эътиқод қилиши, қандайдир олий идеалларга эргашиб иш кўриши, фаолият юргизиши керак. Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда Президентимиз Ислон Каримов: “Олдимизда турган энг муҳим масала, бу миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва ҳаётимизга тадбиқ этишдир”, деган эди.⁴¹

Мустақил Ўзбекистон мафкураси жамиятимизнинг сиёсий ва иқтисодий соҳаларда бўлгани каби маънавий ҳаётимиз ривожига ҳам аниқ мақсад ва йўналиш бермоғи лозим. Маънавият мустақилликнинг муҳим шартларидан бири бўлиб ҳисобланади. Маънавиятнинг умрбоқийлиги, унинг инсон, халқ ва миллатнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудрат манбаи эканлиги барчага, аён. Маънавият бўлмаган жойда эркинлик ҳам, адолат ҳам бўлмайди. “Маънавият турли халқлар ва мамлакатлар кишиларни қон-қардош қилади. Уларнинг тақдирларини ўзаро ҳурмат асосида яқинлаштиради. Бизнинг маънавиятимиз асрлар давомида миллион-миллион кишилар тақдири билан шаклланган. Уни ўлчаб ҳам, поёнига етиб ҳам бўлмайди. У инсон учун бутун бир олам”.⁴²

Маълумки, мафкура инсон онгига унинг қалбига йўл очиб, дунёқарашига таъсир этувчи қудратли ғоявий кучдир. Шунинг учун ҳам, ҳозирги вақтда глобал миқёсда турлича мақсад-манфаатларни ифода этувчи реакцион ва прогрессив мафкуралар ўртасидаги курашлар ҳар қачонгидан ҳам шиддатли тус олмоқда. Президентимиз огоҳлантирганидек, бугунги кунда мафкура полигонлари ядро полиганларига нисбатан хавфлироқдир. Демак, ҳар хил мафкураларнинг таъсирига берилмаслиги учун ёшлар мафкуравий етукликка эга бўлиши зарур. Чунки, “ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан курашиш мумкин”.

⁴¹ Каримов И.А. Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик. Т., 1993. 9-бет.

⁴² Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т., 1996. 71-бет.

Ана шулардан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимиз ёшларининг тарбиясини оқилона ташкил этиш давлат сиёсатида устувор аҳамиятга эга бўлмоқда: 1997 йил август ойида бўлиб ўтган биринчи чақириқ 9 сессиясида қабул қилинган “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонун (1997 йил) ёш авлоднинг маънавий тарбияси масаласига алоҳида эътибор берилган.

Шунга кўра, “Ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашда халқнинг бой миллий маданий-тарихий анъаналарига, урф-одатлари ҳамда умумбашарий қадриятларига асосланган самарали ташкилий, педагогик шакл ва воситалари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилади. Шахсни тарбиялаш ва уни ҳар томонлама камол топтиришнинг устуворлиги таъминланади. Умумий ҳамда педагогик маданиятни ошириш мақсадида, мамлакат аҳолиси орасидаги маърифий ишлар такомиллаштирилиб борилади”.⁴³

Хулоса сифатида айтганда, миллий ғояга асосланган маънавий тарбия аҳолининг кенг қатламлари, айниқса ёшларнинг психологик хусусиятларини ҳисобга олинган ҳолда олиб борилса, мафкуравий тарбия ўз самарасини намоён этади.

Диссертациянинг II боби бўйича хулоса

Диссертациянинг иккинчи бобида ҳозирги давр халқаро муносабатларнинг ғоявий-мафкуравий таснифи, глобал ва минтақавий мафкуравий ғояларнинг ривожланиш тенденциялари, миллий ғоянинг жамият ижтимоий-сиёсий тизимида намоён бўлиш хусусиятлари ёритиб ўтилган.

Дунё ўзгаришлари мазмуни умумий ёндашувларга, муроса ва ҳамжихатликка эришишга даъват этувчилар билан хусусий ҳақиқат тарафдорлари, яъни фақат ўз манфаатлари йўлида курашувчилар ўртасидаги бахс-мунозара кескинлигининг тобора ортиб бориши билан изоҳланмоқда. Инсоният яқдил фикр қилиш, умумий саъй-ҳаракатларга эришиш, сиёсий, ижтимоий ҳамда иқтисодий зиддиятларни фақат ялпи бартараф этиш учун курашиш зарурлигининг замон тақозоси эканлигини тобора равшанроқ англамоқда.

Бутун дунёда юз бераётган глобаллашув, яъни, умумийлашув жараёнларининг муштарак қисми сифатида намоён бўлаётган ғарбона демократлашув шарқ халқлари ҳаётига муайян қийинчиликлар орқали томир отмоқда. Бу йўлда ҳар бир давлат ўзига хос мураккабликлар даврини ўташига, баъзан эса кутилган натижаларнинг мутлақо тесқари ҳолатларига рўпара бўлиб қолишига ҳам тўғри келмоқда. Айни чоғда таъкидлаш зарурки, ҳаёт ривожини қонуниятларининг бетўхтов амал қилиши ҳамма ерда ҳам ўзгаришлар муқаррарлигини қайта-қайта тасдиқламоқда. Энг муҳими мазкур ўзгаришларни

⁴³ Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Т., 1997. 24-25-бет.

умумжаҳон глобаллашув жараёнларининг узвий жиҳати сифатида англаш даражаларининг турли хилда эканлиги муаммонинг самарали ечилишига асосий тўсиқ туриб қолмоқда.

Глобаллашув жараёнлари энг илғор, янги технологиялар асосида ишлаб чиқариш, тезкор замонавий коммуникация ва алоқа воситалари орқали ахборот соҳасининг ривожланиши ва одамларнинг бошқа фаолиятлари учун ҳам қулай шароит яратиб, бу борада чекланмаган имкониятларга йўл очмоқда. Аммо, глобаллашув жараёнларининг ҳозирги дунёда бир қатор ихтилоф ва зиддиятларни келтириб чиқараётган жиҳатлари ҳам мавжуд. Булар қаторида, аввало, маданият ва унинг бош томирини ташкил этган маънавий-ахлоқий қадриятларга бўлган муносабат жиддий эътиборни талаб этади. Шу жиҳатдан глобаллашувга бутун дунёни қамраб олган маданий инқилоб, дея таъриф бериш ҳам мумкин. Бугунги кунда улар ҳар қайдай мамлакат, хусусан, Ўзбекистон учун олға ҳаракат қилишнинг самарали шарти, жамият маънавий-ахлоқий соғломлигининг кафолати, кучли давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашига бўлган умид таянчини ташкил этади.

Шу ўринда савол туғилади. Глобаллашув фақат тарихий тараққиёт мантиғи билан боғлиқ табиий жараёнми ёки уни кимнингдир иродаси ҳам бошқаряптими? Бугунги кунда кучли, етакчи давлатлар қаторига асосан Ғарб давлатлари кириши ҳамда икки қутбли дунё барҳам топиши билан улар яқка ҳукмронликка интилаётгани маълум. Рус олими В.Л.Иноземцев бу борада шундай ёзади: “Глобаллашув, аслини олганда, кўкларга кўтариб макталаётган “умуминсоний қадриятларга таянувчи ягона тамаддуннинг шаклланиш жараёнини эмас, балки мутлақо ўзга ҳолатни – жамиятнинг “ғарбона” моделининг экспансиясини ва дунёнинг ана шу моделга мослашишини ифодалайди. Бугун глобаллашув деб аташаётган жараённи, ғарблаштириш, дея аниқроқ ифодалаш мумкин”⁴⁴.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон ижтимоий ҳаёти ривожланиши мафкуралар ва фикрлар хилма хиллигига асослана бошлади. Бу ривожланиш ва тараққиёт учун ғоявий жиҳатдан чексиз имкониятларни юзага чиқариш, инсонлар салоҳиятидан фойдаланиш, у ёки бу муаммони «бир хил», «белгилаб қўйилган» стандарт, режа, андозалар асосида эмас, унинг турли хил йўлларини, шарт-шароитларини, омилларини ҳисобга олган ҳолда ёндашиб ҳал этиш имкониятини берди. Буни иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий ҳаётни изчиллик билан модернизациялаш жараёнларида кўриш мумкин. Масалан, мулкнинг хилма-хиллиги ғоясини эътироф этилиши ва унга ўтилганлиги, иқтисод соҳасининг эркин ривожланиши учун миллий ғоя ва мафқурани ҳаётга тадбиқ этиш

44 Иноземцев В.Л. Вестернизация как глобализация и “глобализация” как американизация. // “Вопросы философии», 2004. №4. - С. 60.

имкониятини беради. Ижтимоий-сиёсий ҳаётда турли хил сиёсий ва ижтимоий институтлар фаолият юрита бошлаганлиги уларга ўз ғояси ва мафқураси билан боғлиқ ҳаёт муаммоларининг ечимига қарашга, турли хил йўлларини излашга шароит яратилмоқда!? Плюрализм асосида шаклланаётган сиёсий муҳит турли хил фикрларни, ғояларнинг юзага чиқишига, жамиятни мафқуралар хилма-хиллиги асосида ривожланишига муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Энг муҳими, демократик ижтимоий идеал, ғоя ва жамият ўртасидаги боғлиқлик янгича концептуал асосда, муносабатда ўзининг ечимини топа бошлади. Инсон онги ва тафаккурининг жамият ҳаётига фаол таъсири билан боғлиқ янги ғоялар, қарашларнинг устувор аҳамиятига эътибор берилди бошланди. Бунга назарий-методологик жиҳатдан ёндашганда уни И.А.Каримовнинг «онг ва тафаккур ўзгармаса ҳаёт ўзгармайди» деган ғоявий концептуал фикрида аниқ кўриш мумкин. Бу ғоя ва жамият муносабатида шаклланган анъанавий қарашларни ҳам янгича идрок этилишига ундайди, ғоя ва мафқуравий қарашларнинг жамият ҳаётига таъсирига алоҳида аҳамият беришга олиб келади. Жамият ҳаётида айрим ғояларни ақидага айлантириш қанчалик носоғлом муҳитни, қарашларнинг шаклланишига сабаб бўлса, бунёдкор, эзгу ғояларнинг жамият тараққиётига йўналтирувчилик кучини англамаслик демократик ғояларнинг маъносига зид ҳолатдир. Бу оддий ҳақиқатни англамаётган, бизни танлаган йўлимиздан қайтаришга уринаётган носоғлом, жангари гуруҳлар фаолияти билан боғлиқ ғоялар ҳамон учраб турибди. Улар демократик тафаккур, мафқуралар хилма-хиллигини эътироф этишдан йироқ, ақидапараст кучлардир. «Ақидапарастлик» ғояси миллий ғояга ҳам, мафқуралар хилма-хиллиги ғоясига ҳам мутлақо тўғри келмайди. Чунки, уларнинг онгида ва тафаккурида айрим ақидани охириги ҳақиқат деб қабул қилиш орқали, ундан билиб ёки билмасдан тажовузкорлик мақсадида фойдаланишга уриниш мавжуд.

III-BOB .ЎЗБЕКИСТОНДА ҒОЯВИЙ-МАҒКУРАВИЙ ХАВҒСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ВАЗИФАЛАРИ

3.1.Глобаллашув шаротида Ўзбекистонда мағкуравий хавғсизликни таъминлашнинг усуллари ва воситалари

Бугунги глобаллашув шароитида бундай жараёнларнинг барчаси жаҳондаги йирик давлатларнинг ман-фаатлари ўзаро тўқнашадиган минта-қамизнинг хавғсизлиги, барқарорлиги ва изчил ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин...

Ислом Каримов

Бугунги глобаллашув ва модернизация жараёнларида ҳеч бир жамият, давлат ўзича яшай олмайди. Шундай экан, уларнинг ижобий ва салбий таъсирлари ижтимоий ҳаётда, айниқса мамлакатнинг истиқболлини белгилашда ўз таъсир кучини кўрсатмоқда. Айниқса, турли йўллар билан ёшларимизни ўз таъсир доирасига олишга уриниётган оқимлар, “оммавий маданиятлар” ёшларимизда миллий ўзликдан бегоналашиш, ватансизлик, лоқайдлик ва шу каби иллатларни келтириб чиқаришга қаратилмоқда. Бундай замонавий тақдидларга қарши тура олиш мамлакатнинг стратегик мақсад ва вазифаларини амалга оширишда миллий ғоя ва унинг асосий тамойилларидан ҳисобланган миллий маънавий мерос ва ислом маданиятидан баҳоли қудрат оқилона фойдаланиш замон талабидир. Зеро, «... тарбиявий - ахлоқий масалаларда, маънавий ҳаётда, керак бўлса, миллий манфаатларимизга мос келадиган сиёсатни изчил олиб боришда ўз йўлимизни йўқотмаслигимиз учун ҳеч қандай ғоявий бўшлиққа йўл қўймадлигимиз даркор».⁴⁵

Мустақиллик она-Ватанимизга ва халқимизга инсон сифатида ҳаётдан баҳра олиб яшаши учун катта имкониятлар эшигини очиб, эл-юрт бўлиб, жаҳонда ўз ўрнини топишига зарур бўлган шарт-шароитларни яратиб берди. Буларнинг бари имкониятлар даражасида қолиб кетмаслиги учун ҳар биримиз фарзандларимизни ҳар томонлама баркамол, иродаси бақувват, иймони бутун бўлиб вояга етишиши учун ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб қолган тарихий, диний ва миллий қадриятларимизни ўзимиз аввало ҳар томонлама ўрганишимиз ҳамда бошқаларга тарғиб ва ташвиқ қилишда доимо олдинги сафда бўлишимиз лозим.

Шу боис Юртбошимиз таъкидлаганидек, аввало, “... миллий мағкурамиз халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, динига, руҳиятига, бир сўз билан

⁴⁵ Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд, - Т.: Ўзбекистон, 2000. 526 б.

айтганда, ўз миллий қадриятларимиз, халқимизнинг дунёқараши ва тафаккурига асосланиб, шу билан бирга, замонавий, умумбашарий, умуминсоний ютуқлардан озикланган, уларни ўзига қамраб олган ҳолда, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ манфаати, унинг фаровонлиги йўлида хизмат қилмоғи даркор.”⁴⁶

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда эришган мустақиллик ва эркинлигимизга таҳдид солаётган маънавий-мафкуравий таҳдидларга қарши туриш учун миллатни миллат, халқни халқ қиладиган тарих синовларидан бир неча бора ўтган маданиятимиз ва динимизга асосланишимиз лозим.

Глобаллашув инсоният тараққиёти ва жамият ҳаётининг жаҳон миқёсида интеграциялашиши натижасида содир бўлаётган жараёнларнинг оламшумул аҳамият касб этишидир. Глобализациянинг ҳозирги даврда уч манбаи мавжуд: коммуникация воситаларидаги туб ўзгаришлар; инвестициялардаги янги жараён; дунёга янгича қарашнинг вужудга келишини таъминлаши, глобализацияга тўғри ёндашув тараққиётни тезлаштиради, тинч-тотувликни таъминлайди, давр зарбаларидан омон қолиб яшаш даражасини юксалтиради, ижтимоий барқарорликни, сиёсий мавқега эгаликни таъминлайди, ҳамда кўшни давлатлар нисбатан мулоқот воситаси ҳисобланади. Шу маънода, юртбошимиз Ислом Каримов “Глобаллашув жараёнининг яна бир ўзига хос жиҳати шундан иборатки, ҳозирги шароитда у мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир қуролига айланиб, ҳар хил сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига хизмат қиладиганини соғлом фикрлайдиган ҳар қандай одам, албатта, кузатиши муқаррар”⁴⁷ деб ёзади.

Глобализациянинг такомиллашиб бориши, биринчи навбатда, ижтимоий-иқтисодий жараёнларни тезлаштиради. Айниқса, савдо, молия ва ишлаб чиқаришни глобализациялашуви давлатлар, корпорация ва шахслараро алоқаларни кучайтирди, натижада халқаро фуқаролик жамияти шаклланди.

Илмий адабиётларда ҳозиргача глобализациянинг иқтисодий омилларига кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Ҳақиқатда, иқтисодий омил асосий аҳамиятга эга, аммо бу омил ягона эмас. У ижтимоий ҳаёт ва давлатнинг барча моддий ва маънавий соҳаларини қамраб олади. Глобализациянинг асосий омили халқаро меҳнат тақсимотини кучайтиради, натижада транспорт ва алоқаларнинг нархи мунтазам пасайиб боради. Айниқса, ахборот воситалари соҳасидаги инқилобни вужудга келтиради.

Глобаллашувни турли мутахассислар, олимлар турлича таърифлайди. Бу

⁴⁶ Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд, - Т.: Ўзбекистон, 2000. 526 б.

⁴⁷ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 113 б.

таърифларнинг энг кенг тарқалганларидан баъзиларини келтириб ўтамиз:-жаҳон иқтисодиётининг сармоя, ишчи кучи ва кашфиётлар оқимининг кенгайиши, шунингдек, мамлакатларнинг жаҳон миқёсидаги иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга қаратилган биргаликдаги ҳаракатлари туфайли давом этаётган интеграцияси;

-ташкilotларнинг халқаро миқёсда кенгайишга ва халқаро майдонда тобора каттарок ўрин эгаллашга қаратилган стратегияси;

-товарлар, хизматлар, меҳнат, технология ва капиталнинг халқаро майдонда ҳаракатланиши;

-савдо, инвестиция, молия-иқтисод, маданият ва бошқа иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда ҳукуматлар, ташкilotлар ва халқларнинг ўз мамлакатлари чегараларидан чиқиб, ҳамкорликка интилиши;

-инсон капитали, молиявий ва интеллектуал капиталнинг дунёнинг энг катта иқтисодий нуқталарига интилиши;

-иқтисодий фаолият учун мамлакатнинг жўғрофий жойлашиши омили аҳамиятининг ўзгариб бориш жараёни.

Глобаллашувнинг бугунги кунга келиб, катта аҳамият қозонишига бир қанча сабаблар бор: технологиянинг тез ривожланиши натижасида коммуникация ва ахборот алмашувининг осонлашиши, коммунизмнинг йўқ бўлиши каби сиёсий жараёнлар, транспортнинг тараққий этиши оқибатида мамлакатлараро юк ташиш ҳажмининг ортиши ва туризмнинг ривожланиши. Бу ўз навбатида, компанияларга ривожланиш имкониятини яратди, қўшимча бозорлар очилишига олиб келди, маданият ва кддриятлар интеграцияси натижасида истеъмол турлари кенгайди, халқаро бозорда рақобатни кучайтирди, янги хом ашё манбаларини очиб берди ва инвести-ция жараёнини кенгайтди.

Глобаллашув жараёни ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига таъсир қилиб, алоҳида мамлакатларни жаҳон ҳамжамиятига боғлайди. Натижада, янги бозорлар (капитал, валюта бозори, суғурта бозори ва ҳоказо), янги воситалар пайдо бўлади (турли ахборот тизимлари, интернет, уяли алоқа). Булар эса, ўз навбатида, янги назорат воситаларини талаб этади. Бугунги кунда иқтисодий ҳамкорлик, интеллектуал мулк, интернетдан фойдаланиш соҳаларида янги халқаро меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, мамлакатларнинг ички қонунлари ҳам уларга мослаштириб борилмоқда.

Глобаллашувнинг қуйидаги асосий белгилари мавжуд: халқаро савдонинг кенгайиши ва эркинлашиши халқаро капитал айланмаси ва унинг йўлидаги тўсиқларнинг бартараф этилиши, электрон коммуникация инқилоби натижасида молиявий муносабатларда содир бўлган чуқур ўзгаришлар, трансмиллий корпорациялар фаолиятининг кенгайиши, халқаро молиявий ва иқтисодий институтларнинг ташкил

топиши.

Жаҳон миқёсидаги бундай умумий тараққиёт:

- одамлар дунёқарашининг ўзгариши, коммуникациялар юксалиши, халқаро муносабатларнинг ривожланиши ва унинг одамзод ҳаётига таъсири кучайтиради;

- давлатлар ва халқлар ўртасида бирлашишга интилишни кучайтирган, айтилиши вақтда миллий хусусиятлар, анъаналар ва маънавий меросни сақлаб қолиш орқали мустақил сиёсий тамойилларни ишлаб чиқиш зарурлигини ҳам кўрсатиб берди.

Турли давлатлараро ва ҳукуматга даҳли бўлмаган халқаро ташкилотларнинг аҳамияти ошиб, дунё янги тизимга ўтиши даврида уларнинг фаолиятини қайта қуриш ва ислоҳ этиш эҳтиёжини туғдирди. Дастлаб халқаро ташкилотларнинг фаолиятлари асосан давлатларнинг ўзаро муросасини таъминлашга қаратилган эди, холос.

Бугунги аҳвол халқаро ташкилотлардан энг йирик муаммоларга аҳамият беришни, жараёнлар ичига кириб боришни, таъсир доирасини кенгайтиришни талаб этмоқда. Бирок чуқурроқ фикр юритилганда, «глобализация» жаҳон тараққиётига кўрсатадиган ижобий таъсир билан бир қаторда чуқур тафовутларни ҳам ўз ичига оладики, бу тафовутларни эътиборга олмаса, улар жаҳон инсон тараққиётига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Биринчидан, бу баъзи мамлакатларнинг технологик ютуқлар соҳасида мутлак илгариланган қўлга киритганлиги асносида сайёраамиз захиралари ҳам, иқтисодий фаолият ҳам жаҳон миқёсида транснационал корпорациялар томонидан бошқарилиши тизими шаклланаётгани ва тобора мустаҳкамланиб бораётганлигидадир.

Иккинчидан, ҳозирги даврда глобализация дунёда ижтимоий тенгликка эришишни енгиллаштирмайди, аксинча, буни қийинлаштиради, деган қарашлар ҳам бор. Уларнинг фикрларига, бадавлат мамлакатлар аҳолиси даромадларининг паст ва ўрта даража даромадли мамлакатлар аҳолисиникига нисбатан илгарилаб ўсишга барқарор мойиллик сақланиб келмоқда. Агар аср бошида (1913йил) дунё аҳолисининг энг бой мамлакатларда истиқомат қиладиган бешдан бир қисмига тегишли давлат билан энг қашшоқ мамлакатларда яшовчи бешдан бир қисмига тегишли бойлик орасидаги нисбатан 11:1ни ташкил қиладиган бўлса, 1960 йилда ушбу фарқ 30:1 нисбатгача, 1990 йилга келиб эса-60:1 нисбатгача катталашди ва ҳамон жадал ортиб бормоқда. 1997йилда у 74:1 нисбатни ташкил қилди.

Ушбу тамойилнинг асосий сабабларидан бири ривожланаётган мамлакатларда аввало хомашё товарларига асосланиб қолган ишлаб чиқариш ва экспорт таркиботи шаклланидир.

Ҳам нарх ҳам даромадга кўра уларга бўлган талабнинг паст даражадаги мослашувчанлиги ва, бунинг пироварди ўларок, уларнинг ишлаб чиқарилиши ва

экспортидан тушадиган даромаднинг паст суръатлар билан ўсиши жаҳон иқтисодиётининг беқарорлиги ҳамда хомашё таварларига бўлган нарх-наво вазияти билан биргаликда ривожланаётган мамлакатларнинг барқарор иқтисодий ўсиши учун энг асосий тўсиқлардан бири бўлиб қолмоқда.

Учинчидан, глобал иқтисодий жараёнларнинг тазйиқига бардош бера олмай, узок вақт мобайнида жаҳон силсиласининг «қуйи қаватлари»дан чиқиб кета олмаётган мамлакатлар жиддий ижтимоий ва фуқаро низоларининг хавфи остида қолмоқдалар. Баъзи африка мамлакатларида доимий равишда кечаётган маҳаллий, фуқаро урушлари, давлат тўнтаришлари, бир қатор Осиё ва Лотин Америкаси давлатларида ҳукм сурган беқарорлик бунинг ёрқин мисолидир. Югославия, Кавказ орти мамлакатлари ва Тожикистонда бўлиб ўтаётган ҳодисалардан кўринишича, иқтисодиёти ўтиш даврида бўлган давлатлар учун бу каби хавф реал аҳамият касб этмоқда.

Тўртинчидан, жаҳондаги иқтисодий ва ижтимоий нотекслик энг қашшоқ мамлакатлардан бадавлат мамлакатларга томон тобора ортиб бораётган аҳоли кўчиши (миграция) оқимини туғдирмоқда. Бунда «тафаккурнинг оқиб кетиши» туфайли малакали кадрларни тайёрлаш бўйича харажатлар ривожланаётган мамлакатлар зиммасига тушади, фойдани эса ривожланган мамлакатлар олади.

Бешинчидан, замонавий мулоқот воситалари ёрдамида улкан молиявий бозорга айланган жаҳон молия бозори алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Олтинчидан, жиноий муомалага ҳар қандай, мисли кўрилмаган даромад келтирувчи «мол» ни-қурол-яроқ ва гиёҳванд моддалардан тортиб, инсон тана органларигача-жалб қилаётган транснационал жиноий, шу жумладан, мафия тузилмаларининг пайдо бўлиши билан боғлиқ глобал жараёнлар рўй бермоқда.

Буларнинг барчаси нафақат ривожланаётган, балки бошқа давлатлардаги кўпгина одамлар глобализацияни эҳтиёткорлик билан қабул қилаётганининг сабабини изоҳлайди. Глобализацияни четлаб ўтиш мумкин эмас, у жамият тараққиётидаги тарихий жараёндир. Лекин глобализациянинг жамиятдаги муайян унсурлар ва тузилмаларга салбий таъсир кўрсатишга йўл қўймаслик XXI аср халқлари ва давлатлари олдида турган муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади. Афсуски, янги аср бўсағасида дунё на тўла барқарорлик, на мутлак ижтимоий тенглик ҳукм сургани билан мақтана олади. Шу ҳолни англашнинг ўзи жамият тараққиётининг самарали технологияларини излашни давом эттиришга ундайди.

Глобал муаммоларнинг келиб чиқиши, мавжудлиги ва ҳал этилиши зарурати инсоният жамияти янги цивилизациявий сифат ўзгаришини тақозо этмоқда. Бу жараён моҳиятини англаш учун унинг жадаллигига, чуқурлигига ва миқёсига эътибор бериш лозим. Зеро, ўнлаб, ва ҳатто юзлаб йиллар давомида ўзгармас бўлиб кўринган ижтимоий

муносабатлар ғоят қисқа вақтда тубдан ўзгармоқда. Бу ҳол кишилар ҳаёти қатламларининг барча буғинларида кўринмоқда. Кўламига кўра, бу жараён бирон минтақани четлаб ўтмаган.

Шуни унутмаслик керакки, буғунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин.

Юқоридаги фикрлардан қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

1. Глобаллашув жаҳон миқёсида кишилар ўртасидаги миллий, диний, маданий алоқалар учун шарт-шароитлар яратади.

2. Илмий техник ахборот, технологиялар, илмий-техник ютуқлар билан алмашиш орқали халқаро миқёсда инсон тараққиёти учун беқиёс имкониятлар очади.

3. Глобаллашувга хос қатта имкониятлар ва манфаатли жиҳатларнинг мамлакатлар ва одамлар ўртасида кенг тақсимланиши, илмий техника тараққиёти натижаларининг уларни яратувчилари бўлмаган мамлакатларга кириб бориши, масалан, интернетнинг беҳад имкониятлари бугунги кунда бутун жаҳон бўйлаб ишлатилиши мумкин.

4. Глобал технологик имкониятлар асосида инсон тараққиётини таминлаш, ҳамда қашшоқликни бартараф этиш имкониятлари туғилади.

5. Глобаллашув жаҳон тараққиётига кўрсатадиган ижобий таъсир билан кўрсатадиган бир қаторда, баъзи салбий ҳолатларни ҳам ўз ичига олади. Бу эътиборга олмаса, жаҳонда инсоният тараққиётига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолатлар рўй бериш хавфи туғилади. Масалан, кибертерроризм бунга мисол бўлади.

Глобал иқтисодий жиноятчиликнинг барча шакллари-наркобизнес, жиноий капиталларни «ювиш», халқаро коррупция билан қатъий курашни уюштириш. Ўзбекистон ўзининг бу стратегик мақсадларини амалга ошириш учун кўплаб тадбирларни муваффақиятли ҳаётга тадбиқ этмоқда. Бу мақсадга эришиш ҳар бир давлатнинг барқарор тараққиётга асосланган миллий тизимини ишлаб чиқишни талаб этади. XXI асрда умумбашариятни мана шундай мақсад сари йўналтириш ҳаётий заруриятга айланди.

Бу вазифаларни мамлакатлар қандай бажараётганлигини назорат қилиш ЮНИСЕФга юклатилган. ЮНИСЕФнинг фаолиятини тўлақонли олиб боришда кўмаклашаётган "Иннеченти" маркази ходимлари ўз тадқиқотларида мустақиллик йилларида Ўзбекистонда аҳолининг фаровонлиги ошиб борганлигини эътироф этган

ҳолда, бу фаровонликнинг ошиши барқарор иқтисодий ўсишга таянганлигини алоҳида қайд қиладилар. Уларнинг маълумотига кўра, Ўзбекистонда янги ички маҳсулотнинг ўсиши 2002 йилга келиб, 1989 йилдагига нисбатан 106,8 фоизни ташкил этди. Айтиш мумкин, бу кўрсаткич Молдовада 34,8, Россияда 64,3, Қозоғистонда 85,6 фоизга тенгдир.

Ўзбекистоннинг бу даражага эришувининг сабаби: инсонни улуғлаш ва эъзозлаш билан чекланмасдан, бу ғояни бозор муносабатларига ўтиш даври шарт-шароитларида, қонун-қоидалари, ҳаракат дастури ва уни рўёбга чиқариш усулларида ҳам тўла акс эттира олганлигида. Мана шу тамойилга асосланиб, Ўзбекистон ўзига хос ва мос йўл танлади. Бу йўл "сохта инқилобий сакрашларсиз, фожеали оқибатларсиз ва кучли ижтимоий ларзаларсиз, эволюцион йўл билан нормал, маданиятли тараққиётга ўтиш - танлаб олинган йўлнинг асосий мазмун ва моҳиятидир".

Шунингдек, глобаллашув Ўзбекистон учун қатор умумбашарий муаммоларни жаҳон ҳамжамияти билан биргаликда ҳал этишни ҳам вазифага айлантиради. Улар қуйидагилар:

- ер юзида ялпи тинчликни сақлаш, термоядро урушининг олдини олиш ва адолатли халқаро иқтисодий тартибот ўрнатиш;
- атроф-муҳитни самарали муҳофаза қилиш (экологик муаммо);
- аҳоли сони ва таркиби билан моддий ва маънавий қадриятлар яратилиши мутаносиблигига эришиш (демографик муаммо);
- ер юзи аҳолисини зарур озиқ-овқат ва қувват манбалари билан ишончли таъминлаш;
- очлик, қашшоқлик ва қоқоқликни тугатиш учун юксак ривожланиш ва улардан кейинда қолган мамлакатлар ўртасидаги кескин фарқни бартараф этиш;
- хавфли касалликларни тугатиш;
- инсон ҳақ-хуқуқлари ва эркинлигини ҳимоя қилиш, гендер тенглигини таъминлаш;
- жаҳон маънавий муҳити софлигини таъминлаш (этикология муаммоси);
- терроризм, диний экстремизм ва фундаментализмга, нарқобизнесга қарши кураш ва бошқалар.

Хуллас, глобаллашув ва ахборотлашув барча мамлакатларнинг иқтисодиётига таъсир ўтказди ва бу таъсир ишчи кучидан фойдаланиш, товар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш, ишлаб чиқариш ва инвестицияларни жалб этиш, уларнинг бир мамлакатдан бошқасига кўчиши каби омилларни ўз ичига олади. Буларнинг барчаси ишлаб чиқариш самарадорлигини, меҳнат унумдорлигини, халқаро тенг ҳуқуқлар асосидаги ривожланишни таъминлайди.

3.2. Ўзбекистонда ғоявий-мафкуравий хавфсизликни таъминлашнинг истиқболли йўналишлари

XXI аср бошларига келиб дунё мамлакатлари ўртасида ўзаро таъсир шу қадар кучайиб кетдики, ҳозирги вақтда бу жараёндан тўла ихоталаниб олган бирорта ҳам давлат йўқ. Глобаллашувнинг турли мамлакатларга ўтказаетган таъсири ҳам турлича. Бу ҳол дунё мамлакатларининг иқтисодий, ахборот, маънавий салоҳиятлари ва сиёсати қандай экани билан боғлиқ.

“XX аср сўнгида рўй берган улкан ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, икки қутбли дунёнинг барҳам топиши натижасида нисбий мувозанатнинг бузилиши жаҳоннинг мафкуравий манзарасини тубдан ўзгартириб юборди.

XX асрда дунёда ғоявий қарама-қаршилиқлар кескин ва мураккаб тус олган давр бўлди. XX аср сўнгида икки қутбли дунёнинг барҳам топиши, нисбий мувозанатнинг бузилиши натижасида жаҳондаги мафкуравий манзаралар тубдан ўзгарди”⁴⁸. Юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, “XX аср охирида дунёда жўғрофий-сиёсий аҳамияти ва кўлами жиҳатидан ноёб ўзгаришлар рўй бермоқда. Бу ўзгаришлар бетакрор.

Улар нафақат мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда вужудга келган қарашлар ва уларнинг механизмларини чуқур ўйлаб кўришни, балки кўп жиҳатдан қайта баҳолашни ҳам талаб қилади. “Совуқ уруш” даврида халқаро муносабатларга асос бўлган кўп қоидалар, тамойиллар ва ғояларни тубдан қайта кўриб чиқиш талаб қилинмоқда. Бутун дунё яхлит ва бир-бирига боғлиқ тизим бўлиб бормоқда, унда ўзи-ўзидан қаноатланишга ва махдудликка ўрин йўқ. Бу ҳол ҳозирги халқаро муносабатларни шакллантирганда, халқаро тузилмалар билан ўзаро алоқаларда ва уларнинг фаолиятида иштирок этганда мутлақо янгича ёндашувларни ишлаб чиқишни зарур қилиб қўймоқда”⁴⁹

XX аср охири ва XXI аср бошларига келиб коммунистик ва социалистик партия таъсиридаги социализм лагери парчаланди. Дунё мамлакатлари ривожланган ва ривожла-

⁴⁸ Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш - бизнинг бош мақсадимиздир.

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағшланган тантанали маросимдаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма нашриёт-матбаа ижодий уйи тошкент – 2013.35.б.

⁴⁹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. Т.: „Ўзбекистон“, 1998. — 240—241-бетлар

наётган мамлакатларга бўлинди. Ана шу ривожланган баъзи мамлакатлар ўз миллий мустақиллигини қўлга киритган, ривожланаётган мамлакатларни, жаҳон майдонларини мафкуравий жиҳатдан бўлиб олишга уринмоқца. Булар қуйидаги ҳолатларда кўринади:

Дунёни бўлиб олишга уринаётган сиёсий марказлар:

1. Буюк давлатчилик мафкураси.
2. Диний экстремистик мафкуралар.
3. Пансоветизм мафкураси.
4. Индивидуализм ва эгоизм ғояларини ифодалаган мафкуралар.
5. Турли диний секталарнинг ғояларни ифодаловчи мафкуралар.

Бу жараёнда турли мамлакатларни мафкуравий забт этиш ғоят катга иқтисодий манфаатлар билан қўшилиб кетмоқца. Ғоявий-мафкуравий тазйиқ ва тажовуларнинг олдини олиш учун эса ҳар бир миллат, давлат ўзининг ғоявий-мафкуравий дахлсизлигини таъминлайдиган чора-тадбирларни кўриши зарур бўлмоқца.

Ҳозирги даврда турли хил эски ва янги мафкура, ғояларнинг ўзаро кураши ҳар қачонгидан ҳам шиддатли тус олмақца. Бунга сабаб социалистик тоталитар тузум емирилганидан кейин дунёнинг икки қарама-қарши қутбларга бўлиниши барҳам топган бўлса-да, турли хил мақсад-манфаатларни ифода этувчи мафкуралар, ғоялар кураши, тортишуви ҳали тўхтагани йўқ. Бу курашлардан мақсад инсон, шу жумладан, ёшлар қалбини эгаллаш, муайян мамлакат ёки минтақадаги бирор миллат ёки халқнинг онги ва тафаккурига таъсир ўтказиш, уни ўзига бўйсундириш, маънавий жиҳатдан заиф ва тобе қилишдан иборатдир. Фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги эса ҳар қандай иқтисодий ва сиёсий қарамликлардан ҳам кўра даҳшатлироқдир.

Шу боисдан мафкура полигонлари ядро полигонларига нисбатан ҳам кўпроқ кучга эга. Агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий таҳдид, хавф-хатар, тазйиқ бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин. Аммо мафкуравий, ғоявий хавфни, тазйиқни тезда илғаб олиш, сезиш ниҳоятда қийин. Инсон ўз мустақил фикрига, собит эътиқодига, ўзи таяниб яшайдиган ҳаётининг миллий кадриятларга, мустаҳкам иродага эга бўлмаса, жамиятда халқни ягона мақсад йўлида бирлаштирувчи миллий ғоя ва мафкура мавжуд бўлмаса, унинг турли зарарли ғоя ва мафкураларнинг тазйиқига бардош бериши амри маҳолдир. Ҳозирги даврда Ўзбекистонда «...жамиятимиз ҳаётига жиддий хавф туғдирадиган мафкуравий таҳдидлар қуйидагилардан иборат:

-ислом халифалигини тиклаб, унинг байроғи остида мусулмон халқларини янги империяга бирлаштиришга қаратилган интилишлар;

-ёш мустақил давлатларни собиқ иттифоққа бирлаштириш ғояси;

-тарихимизни, миллий қадриятларимиз ва диннинг моҳиятини сохталаштиришга уринишлар;

-ахлоқсизлик ғояларини ёйиб, халқни маънавий жиҳатдан бузишга интилишлар;

-турли мафкуравий воситалар орқали минтақавий ва давлатлараро можароларни келтириб чиқаришга қаратилган ҳаракатлар»⁵⁰.

Бундай ғоявий, мафкуравий таҳдидлар инсонлар ва халқнинг қалби, онгини забт этишга, уларни ўз миллий ва маънавий, маданий қадриятларидан, умумбашарий цивилизация ютуқларидан маҳрум қилишга, пировард натижасида мамлакатни ўзларига қарам қилиб олишга қаратилгандир. Шу боисдан ғоявий, мафкуравий хавфсизликни таъминлаш ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда.

Экологик хавфсизлик табиат ва инсоннинг ўзаро муносабатларидаги муайян қонуниятларнинг бузилиши оқибатида юзага келадиган экологик фалокатларнинг олдини олишга қаратилгандир. Экологик хавф-хатар, фалокатлар инсоннинг табиат имкониятларини ва унинг ривожланиш қонуниятларини ҳисобга олмасдан, табиий ва минерал-хом ашё захираларидан ваҳшийларча, экстенсив усулда, жуда катта харажатлар ва исрофгарчиликлар билан фойдаланишга асосланиб хўжалик фаолиятини юритиш оқибатида юзага келмоқда. Президентимиз Ислам Каримов экологик хавфсизликни таъминлашнинг аҳамияти тўғрисида гапириб «Тараққиётнинг ҳозирги босқичида инсон билан табиатнинг ўзаро таъсирига оид бир қатор муаммоларни ҳал этиш фақат бир мамлакат доирасида чекланиб қола олмайди. Уларни бутун сайёрамиз кўламида ҳал қилиш зарур. Кўриниб турибдики, табиий муҳитни инсон юритадиган хўжалик фаолиятининг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш билан боғлиқ кўпгина муаммолар кенг кўлам касб этади. Шу сабабли улар фақат халқаро ҳамкорлик асосида ҳал қилиниши лозим»⁵¹, -деб таъкидлаган. Демак, экологик хавфсизлик миллий хавфсизликнинг муҳим таркибий қисми бўлиши билан бир қаторда глобал аҳамиятга ва тавсифга эгадир.

Иқтисодий хавфсизлик мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан мустақил, барқарор ривожланишга қодирлигини ифодалайди.

Информацион хавфсизлик юқорида тавсифланган миллий хавфсизликнинг барча шакллари, айниқса, ғоявий, мафкуравий хавфсизликни таъминлашнинг воситаси сифатида намоён бўлади.

⁵⁰ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.- Т., Ўзбекистон, 2000. 41-б.

⁵¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т., Ўзбекистон, 1997 йил 115-116-б.

Шуни таъкидлаш жоизки, миллий хавфсизлик тушунчаси кўп қиррали ва хилма-хил шаклларда намоён бўлади. Аммо шунга қарамай, миллий хавфсизлик тушунчаси қуйидаги хусусиятларга эга.

Биринчидан, миллий хавфсизлик аниқ тарихий мазмунга эга, яъни жамиятга қайси соҳаларда ва қандай даражада таҳдидларнинг вужудга келаётганлигини аниқлашга қаратилган аниқ ҳолатлардаги аниқ таҳлилларни талаб қилади.

Иккинчидан, миллий хавфсизлик бир-бирига зид ўлчамлар, жамиятга хавф соладиган таҳдидлар ва уларни бартараф этишни тавсифлайдиган ижтимоий-иқтисодий параметрлар ва кўрсаткичлар билан ифодаланади.

Учинчидан, миллий хавфсизлик муаммосининг аҳамияти ва кескинлиги жаҳон ҳамжамияти ҳамда айрим мамлакат, ҳудуд тараққиётининг бурилиш даврларида ғоят ўсиб кетади.

Тўртинчидан, миллий хавфсизлик томойиллари ва параметрлари, кўрсаткичлари ўзгарувчан ҳамда турли мамлакатларда ўзига хос хусусиятга эга бўлади. Аммо шунга қарамадан ҳар бир мамлакатнинг миллий хавфсизлиги инсониятнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиётининг умумий тенденциялари билан боғлиқдир. Шунингдек, умумбашарий, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий муносабатлар тизимидаги ўзгаришлар миллий хавфсизликка таъсир ўтказиб туради.

Бешинчидан, миллий хавфсизлик тушунчасига миллий давлат манфаатлари ва миллий ғоя, миллий мафкура ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Олтинчидан, миллий хавфсизликни таъминлашда иқтисодий хавфсизлик муҳим ўрин тутди. Чунки миллий хавфсизликни, шу жумладан мамлакатнинг сиёсий, конституцион тузумини, давлат мустақиллигини ва суверенитетини сақлаш, ҳарбий қудратини ошириш, экологик муаммоларни юмшатиш ва ҳал этиш авваламбор, мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятига ва қудратига, унинг иқтисодий хавфсизлигининг қай даражада таъминланганлигига боғлиқдир.

XX асрнинг охирига келиб, «хавфсизлик» ва «миллий хавфсизлик» тушунчалари бизнинг лексиконимизда тез-тез қўлланила бошланди. Бу инсоният ривожланишининг мураккаблашуви, ядро, атом ва бошқа оммавий қирғин қуроолларининг кенг тарқалиши, экологик вазиятнинг оғирлашганлиги, янги хавфли касалликларнинг вужудга келиши, терроризм хавфининг кучайиши, тоталитар тузум емирилгандан кейин дунёнинг қарама-қарши қутбларга бўлиниши барҳам топгандан кейинги давлатлар ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши, янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши, уларда бозор ислохотларининг амалга оширилиши билан изоҳланади. Дунёдаги бундай ўзгаришлар

хавфсизлик, умумий ва миллий хавфсизлик муаммоларига бўлган эътиборни янада кучайтирди.

Хавфсизлик тушунчаси кўп қиррали бўлиб, турлича маънода талқин этилади. Шунга қарамадан уларда умумий ғоя ҳам мавжуд бўлиб, бунга кўра хавфсизлик инсоният ҳаётининг турли соҳаларида вужудга келадиган хавф-хатардан ҳимояланиш, қафолатланиш маъносини англатади. Хавф-хатар эса давлат ва жамият ривожланишига, нормал амал қилишига таҳдид солувчи потенциал ёки реал куч, омил ҳисобланади. Хавф-хатар намоён бўлишининг кескин шакллари табиий, ижтимоий катаклизмалар, портлашлар ва ларзалар, кризислар, тангликлар, революция, кўзғолон, исён, уруш, қуролли тўқнашувлар киради.

Хавфсизлик кўп қиррали бўлиб, у бутун инсоният, давлат ёки иқтисодий тизимнинг нормал фаолият юритиши, ривожланиши учун нохуш, салбий, зарарли таъсирлардан, хавф-хатарлардан сақланиш, ҳимояланиш ҳолатини ифодалайди. Хавфсизлик умумий тарзда зиён етказиш учун потенциал шароитларнинг йўқлигини, сақланишлик, ҳимояланиш ва ишончлилини англатади. Бу тушунча кишилар ва жамият ҳаёт фаолиятининг аниқ специфик соҳаларида ўзига хос хусусиятларга эга бўлади.

Хавфсизлик қандай соҳада, қандай шакл ва қиёфада намоён бўлмасин уларнинг барчаси умумийлик хусусиятига эгадир. Умуман хавфсизлик хавф-хатардан ҳимояланиш шарт ва стратегияси сифатида ижтимоий тизим, шахс, жамият ва давлат ҳаёт-фаолиятининг нормал амал қилишини таъминлашга йўналтирилган бўлади⁵².

Хавфсизликнинг субъектлари шахс, аҳоли ижтимоий гуруҳлари, кишилар уюшмалари ҳамда бирлашмалари, давлат ва жамият ҳисобланади.

Хавфсизлик объекти инсон ҳаётининг барча соҳалари, шу жумладан шахсий-оилавий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, маънавий табиий соҳа ва жабҳаларини ўз ичига қамраб олади.

Хавфсизлик тушунчаси кенг қиррали бўлиб, ўзининг объектлари ва субъектлари нуқтаи назаридан турли шаклларда намоён бўлади. Аммо ҳозирги даврда бу тушунчанинг умумлашган шакли миллий хавфсизлик деб аталади. Кўпгина ривожланган мамлакатлар ўз миллий хавфсизлик стратегияларини ишлаб чиқмоқдалар. Масалан, АҚШда Президентнинг миллий хавфсизлик соҳасидаги конституцион мажбурияти ва бош вазифаси сифатида мамлакат аҳолисини, унинг территориясини ва америкаликларнинг турмуш тарзини ҳимоя қилиш белгиланган.

⁵² Қаранг: Экономическая безопасность хозяйственных систем. Учебник. –М., Изд-во РАГС, 2001- с.7.

Миллий хавфсизлик элементлари ичида армиянинг жанговарлиги, бошқа мамлакатларда демократияни қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда Американинг иқтисодий тараққиётига кўмаклашиш ҳам киритилган. Иқтисодиётни жонлантириш, миллий маҳсулотлар рақабатбардошлилигини ошириш, янги хорижий бозорларни очиш, янги иш жойларини яратиш ҳам миллий хавфсизликнинг муҳим элементлари ҳисобланади. Миллий хавфсизлик фуқароларнинг, жамият ва давлат ҳаётий муҳим манфаатларининг, шунингдек, миллий кадрият ва ҳаёт тарзининг кенг кўламдаги ва турли-туман ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимояланганликни ифодалайди.

Халқаро тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлаш деганда давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг фаолиятидаги мақсади тинчликнинг бўзилишига йўл қўймаслик ва халқаро хавфсизликка таҳдид қилишнинг олдини олишдан иборат бўлиб, жумладан, халқаро ҳуқуқнинг асосий принципига айниқса куч ишлатиш ва таҳдид солишни ман этишга асосланади. Халқаро тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлаш фаолияти давлатлараро сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа халқаро ҳаётга тааллуқли бўлган тармоқларни янада ривожлантириш ва ўрнатишдан иборат. Бундан ташқари, халқаро тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлашнинг махсус нормативли, ташкилий ва моддий хусусиятга эга бўлган кафолатлари мавжуддир. Халқаро низоларда ва тинчлик йўли билан барқарорлаштиришда ва мавжуд жамоа хавфсизликни қўллаб-қувватлашда ташкилий кафолатлар ташкил этилади. Моддий кафолатларга қуроллаштирилишнинг чекланиши ва қуролсизлантириш каби чоралар киради. Халқаро тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлашда махсус ваколатга БМТ эгадир. У Низомининг 1-моддасига асосан халқаро тинчликни ва хавфсизликни қўллаб-қувватлаш ва шу мақсадца унинг олдини олишда эффективли жамоа чораларини қўллашда тинчлик йўли билан хал қилиш мақсадини кўзлайди.

Миллий хавфсизлик манфаатларни ҳимоялашнинг умумий шакли бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, у манфаат эҳтиёжларининг намоён бўлиш шакли ҳамдир. Бошқача айтганда, манфаат эҳтиёжларини қондириш ва моддий, маънавий, умуминсоний кадриятлардан баҳраманд бўлиш ва фаровонликка интилиш тўғрисидаги тасаввурларнинг жамисини ифодалайди.

Миллий хавфсизлик фуқаролар, яъни шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган бўлади. Шахс, фуқаро манфаатлари конституцион ҳуқуқ ва эркинликларини, яшаш хавфсизлигини таъминлаш, турмуш даражаси ва сифатини ошириш, жисмоний маънавий, интеллектуал ривожланишдан иборат.

Жамият манфаатлари демократияни мустаҳкамлаш, ижтимоий-сиёсий барқарорлик, фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллатлараро тотувликни сақлаш, аҳолининг яратувчилик

фаоллигини ошириш ва унинг барча ижтимоий ва этник гуруҳларининг маънавий ривожланишини таъминлашни ўз ичига олади.

Давлат манфаатлари эса конституцион тузумни, мамлакат суверенитети ва территориал яхлитлигини ҳимоя қилишни, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорликни қарор топтириш, қонунларнинг сўзсиз амал қилишини таъминлаш, ҳуқуқ тартиботни қўллаб-қувватлаш ва тенг шериклик асосида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришдан иборат. Ушбу манфаатлар бир-бирлари билан ўзаро боғланган бўлиб, улар жамият аъзоларининг мустақиллигини таъминлаш, халқ фаровонлиги ва турмуш даражасини ошириш, унинг маданиятини маънавий қадриятларини сақлашга бўлган интилишларини ифодалайди. Шу боисдан ҳар қандай мамлакат манфаатлари учта муҳим мақсадга йўналтирилган бўлади: 1) халқ фаровонлигини ошириш; 2) мамлакат ҳаёт фаолиятини ва ҳудудини ҳимоя қилиш ҳамда обод этиш; 3) миллий маданиятни ривожлантириш.

Ўзбекистонда миллий хавфсизлик миллий истиқлол мафқураси билан ҳамохангдир. Чунки «...миллий истиқлол мафқураси, ўз мазмун-моҳиятига кўра, Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий тараққиётига хизмат қилади, барча сиёсий партиялар, гуруҳлар ва қатламларнинг - бутун халқимизнинг қуйидаги умумий манфаатларини ифодалайди:

- мамлакатнинг мустақиллиги, ҳудудий яхлитлиги, сарҳадлар дахлсизлиги;
- юртнинг тинчлиги, давлатнинг ҳарбий, иқтисодий, ғоявий, экологик, информацион таҳдидлардан муҳофаза этилиши;
- мамлакатда фуқаролараро ва миллатлараро тотувлик, ижтимоий барқарорлик муҳитини таъминлаш;
- ҳар бир оила ва бутун халқнинг фаровонлиги;
- жамиятда адолат устуворлиги, демократия, ўз-ўзини бошқариш тамойилларининг амал қилиши»⁵³. Ушбу манфаатлар миллий давлат манфаатини ташкил этади. Мамлакатнинг миллий хавфсизлиги унинг миллий манфаатини турли сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, экологик, ғоявий, информацион ва бошқа омиллар ҳамда таҳдидлардан ҳимоя қилишга йўналтирилган бўлади. Шу боисдан миллий хавфсизлик таркиби мураккаб тузилишга эга бўлиб, сиёсий, ҳарбий-мудофаа, ғоявий, иқтисодий, экологик, информацион хавфсизликларни ўз ичига олади.

Сиёсий хавфсизлик мамлакатнинг миллий-давлат тузилишини, конституцион тузумни ҳимоя қилишга йўналтирилган бўлади. Ҳарбий-мудофаа хавфсизлиги мамлакат мустақиллиги, ҳудудий яхлитлиги ва сарҳадлар дахлсизлигини таъминлашга қаратилган. Ғоявий, мафқуравий хавфсизлик ҳозирги даврда долзарб аҳамият касб этмоқда. Мафқура,

⁵³ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. - Т., Ўзбекистон, 2000 - 45-б.

ғоя ҳар қандай жамият ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Чунки мафкура мавжуд бўлмаса, ҳар қандай жамият ўз тонлаган йўлини йўқотиши мумкин. Қаерда мафкуравий бўшлиқ вужудга келса, ўша ерда бегона мафкура ҳукмронлик қилаши барчага аён ҳақиқатдир.

Миллий ғоя мамлакат стратегиясидир. Унда Ўзбекистон аҳолисининг манфаатлари, мақсадлари ва энг эзгу орзу-истаклари ифодаланган. Айни пайтда миллий ғоя Ўзбекистон халқи маънавияти ва менталитети маҳсули ҳамдир. Президент И.Каримов таъкидлаганидек, “Ёр, оила, ота-она, болалар, қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар, халқ, виждон, мустақил давлатимизга садоқат, инсонларга ҳурмат, ишонч, хотира, эркинлик, маънавиятнинг ана шундай маъноси кенг.”⁵⁴ Худди шу ҳодисалар миллий ғоянинг негизини ташкил этади. Миллий ғоя мана шу қадриятлар, орзу-умидлар асосида вужудга келади.

Халқимиз ичида “фалончининг ўғли ёки қизи йўлдан озди”, “айниди” “йўлдан уришибди”, “хиёнат қилди”, “ишончдан чиқди”, деган иборалар юради. Булар бир одам ҳақида илгаридан мавжуд бўлган тушунча хулосанинг ўзгаргарганлигини одамлар бир-бирларига шундай билдирадилар. Бу – бирор киши ҳақида халқ фикрининг ё яхши, ё ёмон томонга ўзгарганлигини, бундан кейин унга муносабатда, у билан ҳамкорлик қилишда шуни ҳисобга олинганлар, деган маънони билдиради. Бунга сабаб – одамнинг бирор синов вазиятида ўз обрўси, ҳурматини сақлаб, унга илгаридан билдириб келинаётган ишончни ҳимоя қилганлиги, ёки аксинча, оқламаганлигини, ишончдан қолганлигини билдиради. Бу – мафкуравий иммунитетнинг ўзбекларимизнинг кундалиқ ҳаётидаги кўринишларидан бири, деса бўлади.

Аслида мафкуравий иммунитетнинг ички тузилиши қандай? Мафкуравий иммунитет – одам ўз ҳаётида амал қиладиган анланган қоидалар йиғиндиси. Ёки рамзий қилиб, уни шахснинг мафкуравий конституцияси деб атаса ҳам бўлади. Бу конституция икки асосга таянади. Биринчиси – у яшаётган миллий-маънавий муҳитда қабул қилинган меёрлар. Иккинчиси – шу меёрларнинг одам дунёқарашида ўзлаштирилган қисми. Демак, шахс ва жамият мафкураси уйғунлиги жамиятни, давлатни кучли қилади. Акс ҳолда, одамлар мафкураси ҳаммани бирлаштириб турувчи умуммиллий ғоя, мафкура, дунёқарашдан қанчалик узоқлашса, бундай жамият шунчалик мафкуравий парокандаликка яқинлаша боради. Бу муаммони миллий тарбия, мафкуравий профилактикага йшналтирилган тарғибот– ташвиқот ишлари бартараф қилади.

Ҳар бир мамлакатнинг ўз тарғибот–ташвиқот тизимлари бор. Улар турлича номланса ҳам мақсад ва функциялари бир. Яъни умуммиллий бирликни яратиш, сақлаб

⁵⁴ И.Каримов Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.: Ўзбекистон, 1-том. 1996. 72-бет.

туриш, кучайтириш, умуммиллий мақсад сари рағбатлантириш, йўналтиришдан иборат. “Агар тарихга назар солсак, илгари кучли давлатлар заиф мамлакатларни очикдан-очик босиб олиб, уларга ўз ҳукмини ўтказган бўлса, XX асрнинг охирига келиб, бундай сиёсат янги бир шакл касб этди. Хозирги вақтда кудратли давлатлар ва муайян сиёсий марказлар ўз мақсадларига эришиш учун аввало забт этмокчи ўз таъсир доирасига олмокчи бўлган мамлакатларнинг аҳолиси онгини ўзига қарам қилишга интилади”.⁵⁵

Халқаро терроризм мафкураси ва биз дуч келаётган инфор­мацион хуружлар, диний ақидапарастлик, экстремизмнинг халқимиз онги ва қалбини эгаллашга қаратилган уринишлари ёшларни миллий истиқлол ғояси асосида тарбиялаш олдига янги вазифаларни қўймоқда. Жумладан, тарбиявий ишларда ёт мафкураларнинг мустақиллигимизни мустаҳкамлашимизга қарши олиб бораётган ёвуз ҳужумларини зарарсизлантириш зарурати алоҳида таъкидланмоқда.

Токи улар миллий илдизлари бақувват, дунёни чуқур англайдиган. замон тараққиёти билан баробар қадам ташлайдиган инсонлар булиб етишсин. Ана шунда жоҳил ақидапарастнинг "даъвати" ҳам, ахлоқни рад этадиган, биз учун мутлақо бегона ғоялар ҳам уларга ўз таъсирини ўтказа олмайди. Шу маънода миллий мафкура масаласи биз учун бу-гунги кунда нечоғли муҳим ва долзарб эканига яна бир бор ишонч ҳосил қилиш мумкин”.⁵⁶

«Иммунитет» тушунчаси латинча «immunitas» сўзидан олинган бўлиб, «бирор нарсадан халос этиш, озод этиш» маъносини англатади, яъни шахсни турли зарарли ғоявий таъсирлардан ҳимояловчи тизимдир. «Иммунитет» тушунчаси дастлаб тиббиётда фойдаланилган бўлиб, организмнинг ўз-ўзини турли касалликлардан ҳимоя қила олиш қобилиятини билдирган.

“Хозирги кунда диний экстремизм мафкурасига, қўпоровчилик-террорчиликка қарши курашдаги асосий вазифа-аҳоли ўртасида, айниқса, ёшлар билан олиб бориладиган тарғибот-ташвиқот ва тарбиявий ишларни изчил, чуқур ўйланган тизим асосида ташкил этиш ва уларнинг таъсирчанлигини кескин кучайтиришни бугун бошимиздан кечираётган ҳаётнинг ўзи тақозо этмокда”.

«Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисо­ласининг сўзбошисида ҳам «Хозирги мураккаб шароитда халқимиз, аввало, ўсиб-униб келаётган

⁵⁵ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҷаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд, - Т.: Ўзбекистон, 2000. 491-бет.

⁵⁶ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҷаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд, - Т.: Ўзбекистон, 2000, 493-495-бетлар.

ёш авлодимиз онги ва қалбида мафқуравий иммунитет ҳосил қилиш муҳим аҳамиятга эга», - деб таъкидланган эди.

Ёшларда мафқуравий иммунитетни шакллантиришнинг аҳамияти муҳим ижтимоий-маънавий зарурат сифатида ортиб бормоқда.

Шу сабабли замонавий олий ўқув юрти маънавий-маърифий ишлари мазмуни ва уларни янада такомиллаштиришни, яъни мафқуравий муаммоларни ва ғоявий кураш масаласини янада чуқур илмий-педагогик таҳлил қилиш, талаба ёшларда амалий мафқуравий кўникмаларни шакллантириш йўлларини яхшилаш, талабаларни мафқуравий тарғиботга тайёрлаш методларини ишлаб чиқишни талаб этади.

Мустақиллик миллий тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида таълим муассасаларининг муҳим вазифаларидан бири - ёшларни юксак ғоявийлик ва миллий ғояга содиқлик, ёт мафқураларга қарши муросасизлик руҳида тарбиялашдир. “Ёшларимизни бу бало-қазолардан асраш учун жамият маънавий ҳаётида бўшлиқ пайдо бўлишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Бундай бўшлиқ юзага келган тақдирда эса, уни ёшларнинг илмга, касб-хунарга, соғлом турмуш тарзига, бунёдкорлик ишларига қизиқишлари билан ҳамоҳанг бўлган янгича ҳаёт мазмуни, янгича қадриятлар билан тўлдириш лозим.

Энг муҳими, шуни унутмаслигимиз керакки, ёшларимизга, бинобарин, келажагимизга таҳдид солиб турган бу хавфларнинг олдини олиш учун бугун қатъий ҳаракат қилмасак, эртага кеч бўлиши мумкин.

Биз фарзандларимизни Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигига эришишдек олий мақсадларимиз руҳида тарбиялашимиз, уларни ана шу мақсадлар сари етаклашимиз керак.

Ёш авлодимизни ана шундай тажовузлардан ҳимоя қилиш учун курашда биз қуйидаги икки йўналишни энг муҳим ва ҳал қилувчи мақсад сифатида белгилаб, уларни бир-бирига уйғунлаштиришимиз лозим.⁵⁷

Агар ҳозирги кунда ҳаётга кириб келаётган ёшларимиз ана шу қадриятларимизни асраб-авайласа, шу орқали ўзининг кимлигини, қандай буюк зотларнинг авлоди эканини англасагина четдан жуда ката ҳуруж сифатида ҳамла қилаётган, фарзандларимизнинг қалби ва онгини эгаллашга қаратилган ғоявий ва мафқуравий таъсирларга ҳам қарши тура олади.

⁵⁷ Каримов И.А. Ватан равнақи учун іар биримиз масъулмиз. 9-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2001., 189-191-бетлар

Бундай таъсир қуролларига эга бўлган кучларнинг асосий мақсади нимадан иборат? Ёшларимизни аввало миллий заминдан, азалий кадриятлардан жудо қилиш, қандайдир қиёфасиз инсонларга айлантириш - мана уларнинг мақсади. Агарки миллатимиз жозибали, лекин сохта ва зарарли ғоялар тажовузи зимдан кучайиб бораётган бугунги мураккаб замонда ўз кадриятларини эъзозлаб, авайлаб сақлайдиган бўлса, билиб қўйинглар, бизга ҳеч қандай куч хавф сололмайди. Биз ўзлигимизни, асл қиёфамизни йўқотмасак, ота-боболаримиз ҳеч кимдан кам бўлмаганини, биз ҳам уларнинг йўлидан бориб, эртага ҳеч кимдан кам бўлмаслигимизга ишониб, бу ҳақиқатни чуқур англаб яшасак, мақсад-муддаоларимизга албатта етамиз.

Тўғри, ҳар қандай давлат учун ҳарбий куч-қудрат, дейлик, замонавий қурол-аслаҳа, ракета ва самалётлар, замбараклар, профессионал аскар ва офицерлар, умуман, армия ҳам керак. Лекин биз учун бугун энг ката куч – бу миллий кадриятларимиз, қадим тарихимиз, ўзимизнинг маънавий ва моддий қудратимизга, эртанги кунимизга бўлган ишонч.

«Бугун биз шиддат билан ривожланиб бораётган глобаллашув замонида яшайпмиз. Бугун ёшларимиз нафақат ўқув даргоҳларида, балки радио-телевидение, матбуот, Интернет каби воситалар орқали ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмоқда.

Гоҳида Интернетдан олинаётган хабарлар ёшларнинг онгига салбий таъсир кўрсатиши мумкин, деган фикрлар ҳам эшитилиб қолади. Мен бундай фикрга қўшилмайман. Нега деганда, сода қилиб айтадиган бўлсак, Интернет – бу катта бир дўкон. Дўконга борганда, одам хоҳлаган молини сотиб олади. Мана, масалан, сиз катта бозорга кирдингиз. Ундан ўзингиз истаган буюмни сотиб оласиз. Интернетни ҳам шундай бир бозор, яъни ахборот бозори деб тушуниш керак.

Интернетни ёпиб қўйиш, ундан фойдаланишни тақиқлаш - мутлақо аҳмоқона иш. Лекин биз болаларимизни шундай тарбиялашимиз керакки, улар Интернет бозорига кирганда фақат ўзи учун зарур нарсани олсин. Ўғил-қизламизга Интернетдан, ахборотдан фойдаланиш маданиятини ўргатишимиз зарур.

Сир эмас, Интернетдаги бизнинг миллий кадриятларимизга тўғри келмайдиган маълумотлар, масалан, беҳаё тасвирлар ҳам бор. Таажжубки, ҳозир дуне бозорида яланғоч аёлнинг танаси кўрсатилмаса, бу реклама реклама ҳисобига ўтмайди. Нафақат Интернет, балки телевизорда ҳам шундай.

Шунинг учун ҳам биз болаларимизни шундай тарбиялашимиз керакки, дунёнинг қайси бурчагидан қандай маълумот келмасин, қандай ахборот тажовузи бўлмасин, улар ҳар қандай ҳолатга тайёр туриши лозим. Бундай хуружлардан ўзини йўқотиб қўймаслиги керак.

Албатта, уларни фақат ўраб-чирмаб, йўк, болам, у ерга борма, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш бугунги замонга тўғри келмайди. Айтмоқчиманки, ёшларнинг атрофини темир девор билан ўраб бўлмайди».

Албатта, Интернетда миллий маълумотлар тизимини яратиш учун ҳам маблағ, ҳаракат ва интилиш зарур. Минг афсуски, болаларимизга шундай шароитни яратишда биров оқсоқлик қиялпмиз.

Нима учун биз бу борада замондан орқада қоляпмиз? Тарбия ҳақида кўп гапирамиз. Лекин тарбия ҳозир кўпроқ Интернет сайтлари орқали бўлаётганини ҳам тушунишимиз лозим. Хўш, айти пайтда Интернет тизимидан ким энг кўп ва унумли фойдаланаяпти? Мана, Америка Қўшма Штатларини олинг, бу мамлакатда ҳар ким ўз манфаатини ифода этадиган маълумотларни Интернетга киритса бўлди, одамлар ўзи излаб топади. Дунёнинг бошқа чеккасида турган киши эса шу маълумотни олади. Қаранг, хат ёзиш, уни почта орқали юбориш билан эмас, балки ҳамма ишни Интернет орқали ҳал қилиш у ерда бугун одатий ҳолга айланган».

Биз баъзан Ғарб маданиятини тўхтовсиз кириб келаётгани ҳақида таассуф билан гапирамиз. Бу шундай кучли оқимки, унга қарши чиқиш жуда мушкул. Бунинг фақат бита йўли бор. У ҳам бўлса, Интернетга ўзимизга керакли, миллий ғоямиз, миллий манфаатларимизга мос бўлган маълумотларни ўз вақтида киритишдан иборат.

Шундан келиб чиқиб, биз ҳам бу масалага чуқурроқ ёндашиб, керакли ишларни вақтида қилмасак, ота-оналар ва мутасаддиларнинг диққатини шу муҳим масалага жалб қилмасак, қолоқ бўлиб қолишимиз мумкин. «Юлва деган билан оғиз чучимади», деган мақолни назарда тутиб, тезроқ амалий ишларга ўтиш зарур, деб ҳисоблайман.⁵⁸

Ёшлар дунёқарашида соғлом эътиқод, ишонч ва миллий қадриятларнинг устуворлиги ёт мафкураларга қарши иммунитетни тарбиялашда:

- миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар билан қуроллантириш;
- ҳаёт ходисаларини дунёвийлик, илмийлик тамойили асосида таҳлил қилиш ва баҳолашга одатлантириш;
- ўз қарашларини ҳимоя қилишга ўргатиш;
- бузғунчи мафкураларга ҳар доим, ҳамма жойда муросасиз бўлишга тайёр бўлишлари зарур.

Ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш педагог кадрларнинг ғоявий-

⁵⁸ Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2005., 299-304 – бетлар.

назарий ва услубий тайёргарлигига ҳам боғлиқдир. Ҳар бир профессор-ўқитувчи, энг аввало, миллий ғоямизнинг тарғиботчиси бўла олиши керак.

Мафкуравий иммунитетни шакллантириш жамият ҳаётининг энг нозик жиҳатларидан, ёшларнинг миллий ҳис-туйғулари, мақсад ва интилишлари, маънавий-маърифий ва рухий-ахлоқий даражасига бевосита боғлиқ ҳодиса. Шундай экан, ёшларимиз ёт мафкураларнинг «меҳрибонлиги», «холислиги» ва «бетарафлиги», «ёқимлилиги», “дўстоналиги” ортида нима ётганини англай билишлари лозим. Яъни, уларнинг замирида мунтазам тактикасини ўзгартириб турувчи жонсарақ ақидапарастлик тарғиботи турганини танишга, тушунишга ўргатиб бориш керак.

Ҳар бир фуқаро, йигит-қиз, ўқув гуруҳи, маҳалла аҳлининг мафкуравий иммунитетини беш даражада баҳолаш мумкин.

биринчи, куйи даража – фуқаро, ёшлар миллий ғоямиз моҳиятидан хабардор эмас; иккинчи даража – хабардор, лекин миллий ғоя чуқур англолмаган, кундалик ҳатти-ҳаракат асоси, мотивларига айланмаган;

учинчи даража –билимлар бор, лекин улар назарий бўлиб, фуқаро, ёшларимиз уларни кундалик ҳаётда қўллашга қийналадилар;

тўртинчи даража – миллий ғоя англолган, ғоявий таъсирни шахсий ва миллий манфаатлар уйғунлигидан келиб чиқиб баҳолай олади: ички ва ташқи сиёсий, мафкуравий таъсирларга қарши асосли салбий муносабат – иммунитетни намоён қила олади, бироқ, бошқаларни бу ишга даъват қилмайди;

бешинчи даража – фуқаро, ёшлар миллий ғояни ўз эътиқодига айлантирган ва буни ҳамма жойда, доимо амалда қўлламоқда, бузғунчи мафкуравий, сиёсий ғояларга фаол қарши курашади, бошқаларни ҳам шунга фаол даъват қилади.

Мафкуравий иммунитетни юксак даражада шаклланган фуқаро атрофидагиларни ҳам ғоявий тарбиялаш салоҳиятига эга бўлади. Ўзи ва миллати учун бефойда, зарарли одатларидан воз кечади. Миллат манфаатларини ўз манфаати, ўз манфаатини эса миллат манфаатига эришиш шарти деб тушунади.

Ҳар бир мафкуравий таъсирга: Бу маълумотни кимлар, нима мақсадда тарқатишмоқда? Тарқатувчи бундан қандэй фойда олмоқчи? Айтилаётган гаплар ҳақиқатми, никоьми? Диний экстремизм нима деяпти – нима қиляпти?,- деган таҳлилдан келиб чиқиб муносабат билдиради.

Хуллас, ўз вазифасини миллатнинг кунига яраш, оғирини енгил қилишда кўради. Шу сабабли у ўз шахсий қобиғидан чиқиб кўтарилади ва миллат манфаати учун, миллат фаровонлиги орқали ўзини камолотга эриштириш учун бошқалардан кўпроқ, самаралироқ меҳнат қилади. Миллий ғоя, мақсадга ишонади, уни ҳимоя қилади. Мафкуравий

профилактиканинг пировард мақсади аҳоли, айниқса ёшларимизда мустаҳкам мафкуравий иммунитетни кафолатли шакллантиришдир. Шу ўринда мафкуравий иммунитет моҳиятини содда, халқчил талқин қилишга зарурат туғилади.

Диссертациянинг III- боби бўйича хулоса

XXI асрнинг дастлабки ўн йиллигида сиёсий, иқтисодий, илм-фан, маданият соҳасида инсоният томонидан улкан тараққиёт натижаларига эришилган бўлсада, афсуски, глобал тинчлик ва барқарорликка таҳдид солиб турган жиддий хавф-хатарлар ҳам сақланиб қолмоқда. Инсоният тараққиётининг кўп мингйиллик тажрибасига қарамасдан, уруш оловини ёқишга, ундан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб қолишга уринаётган қора кучлар сайёраимизнинг турли бурчакларида ханузгача ўзларининг қабих ниятларига эришиш йўлида гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона фаолият олиб бормоқда. Халқлар, миллатларнинг хавфсизлиги, тинч ва фаровон турмуш кечириш борасидага орзу-истакларига раҳна соладиган турли салбий офат манбаларининг мавжуд экани бутун башариятни хавотирга солмоқда. Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган маърузасида таъкидлаганидек, „Бугунги дунёда жадал ўзгариб бораётган вазият ва жараёнлар, мавжуд можароларнинг кескинлашуви ва янги қарама-қаршиликларнинг пайдо бўлиши, баъзи минтақаларда этник ва конфессиялараро тафовутлар негазида Ядровий технологиялар ва оммавий қирғин қуролларнинг тарқалиб кетиш хавфи, мурасасизлик, радикализм ва экстремизмнинг ўсиши, янги кескин ўзгаришларнинг пайдо бўлиши дунё ҳамжамиятида катта ташвиш уйғотмоқда. Вужудга келаётган тўқнашувларнинг кучайиши, ҳали-бери давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi ҳамда унинг оқибатлари жиддий таҳдид ва хатарларни келтириб чиқармоқда⁵⁹“

Дарҳақиқат, дунёда, Марказий Осиёда юз бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, уларнинг геосиёсий манзараси дунёнинг иқтисодий ва маънавий имкониятларига, жаҳон ҳамжамиятининг истиқболига янгича назар ташлашга ундамоқда.

⁵⁹ Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш — бизнинг бош мақсадимиздир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. — „Халқ сўзи“ газетаси, 2012 йил 8 декабрь.

ХУЛОСА

Миллий ғоя ўзликни англаш, миллатга хурмат, миллий тилга муносабат, халқидан фахрланиш, аждодларнинг оламшумул буюк ишларидан ғурурланиш даражаларини ўзида қамраб олади. Зеро, миллий ғоянинг ҳаётга тадбиқ этилиши ва демократик тамойилларнинг амал қилиши, давлат, жамият, фуқароларнинг ўзаро муносабатларидаги қонунийликка асосланади. Бу уч субъектнинг манфаатлари ўзаро мос тушгандагина осойишталик ва барқарорлик, фаровонлик амалга ошади. Ёшларга ана шу хусусиятлар турли йўллар билан, жумладан, иқтисодий, маънавий, сиёсий билимлар асосида сингдирилиб бориши муҳим аҳамият касб этади. Бунда миллий ғоя тамойилларидан фойдаланилган ҳолда демократиянинг турли жараёнлари сингдирилиши яхши самара беради.

Мустақиллик йилларида шаклланаётган дунёқараш ёшларда Ватанга садоқатни, миллий қадрият ва анъаналарга муҳаббатни, ўз яқинларига меҳрибонликни, танлаган йўли-касби, маслағи ва эътиқодига содиқликни назарда тутади.

Миллий истиқлол ғоясининг мазкур мавзуда ёшлар онгига сингдиришда қуйидагиларга эътиборни қаратиш керак.

1. Ёшлар қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат, инсонпарварлик фазилатларини шакллантириш;
2. Миллий урф-одат, анъана ва қадриятларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини ҳар томонлама очиқ беришга йўналтирилган давра суҳбати ва учрашувлар ташкил қилиш;
3. Ёшлар онгига ота-она, оила ва маҳалла, тарихий хотира, миллий ғурур, комил инсон тарбияси билан боғлиқ туйғу ва тушунчаларни сингдириш;
4. Миллий ғоя тарғиботини миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлигида ташкил этиш;
5. Ислом дини ва фалсафасини ўрганишни миллий ғоя тамойиллари асосида амалга ошириш;
6. Ёшларда касби, маслағи ва эътиқодига содиқлик тушунчаларини шакллантириш.

Шу каби тафаккур билан яшасак, меҳнат қилсак, жамиятимиз мафқурасида Ватан осойишталиги, эл-юрт тинчлиги ғояси устувор бўлиб, Миллий ғурур, миллий ифтихор ҳар қандай ишимизнинг пойдеворига айланади.

Ғоявий тарбия мезонларидан масъулият, эътиқод, иймон тушунчаларининг ўрнини алоҳида таъкидлашимиз зарур. Масъулият ёшларда ишонч, умид, ҳис қилиш каби хислатларни ўзида мужассам қилади. Эътиқод эса, қадриятлар, диний ҳамда дунёвий маслақлар, муносабатларнинг инсон қалбида яшаш фалсафаси бўлиб, миллий истиқлол

ғоясининг асосий тамойилларидан биридир. Иймон ҳам истиқлол ғоямизнинг асосий тушунчаларидан бири бўлиб, ёшларнинг қалбида меҳр-муҳаббат пайдо бўлишида ва жамиятдаги ҳулқ меъёрларини юракдан ҳис қилишларида асосий омил бўлиб хизмат қилади.

“Миллий истиқлол ғояси”нинг таълим тизимига киритилиши мамлакатимизнинг ўтиш даврининг бошланғич даври учун катта воқеа бўлади ҳамда у қуйидаги вазифаларни амалга ошишининг муҳим омилига айланди. **Биринчидан**, Ўзини бадном қилган коммунистик ғоя ва мафкуранинг барбод бўлиши, мустақиллик ва тараққиёт ғоясининг шаклланиши оралиғида юзага келган ғоявий бўшлиқ шароитида унинг ўрнини тўлғашига давогар бўлишга жон-жаҳти билан интилган, мамлакатимиз ва халқимиз манфаатларига зид бўлган турли зарарли ғояларнинг ўрнини олаолди; **Иккинчидан**, мустақиллик йилларида “Миллий истиқлол ғояси” мустақиллик, суверенитет, озодлик, эркинлик, тенглик, барқарорлик ва тинчлик каби туйғуларнинг кадр-қимматини ёшларимиз дунёқарашининг ажралмас қисмига айланишида назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлди; **Учинчидан**, мамлакатимиз аҳолисини мустақилликни мустаҳкамлаш жараёнига кенг сафарбар этди; **Тўртинчидан**, миллий урф-одатлар, анъаналар ва қадриятларни тиклаш ва уларни халқимиз онгига сингдиришга катта рол ўйнади; **Бешинчидан**, мамлакатимизда миллатлараро ҳамжихатлик, динлараро бағрикенглик туйғуларнинг шаклланишига ва ривожланишига ижобий таъсир ўтказди; **Олтинчидан**, мамлакатимизнинг жаҳондаги нуфузининг ошиб боришида мустақил илмий-назария сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Маънавият соҳасида муҳим ўрин эгаллаган ғоя ва мафкуралар тарихини ўрганиш, шунингдек жаҳоннинг бугунги кундаги маънавий ва мафкуравий манзарасини таҳлил қилиш ҳам қуйидаги хулосани тасдиқлайди: ҳар қандай ғоя ва мафкура ўз таъсир доирасини сақлаб туриш, яшаб қолиш ва янада кенгроқ тарқалиш учун мудом кураш олиб бориши даркор. Бинобарин, ғоялар кураши ва мафкуралар рақобати узлуксиз, мунтазам давом этади. Булар бари инсон онги ва онг ости қатламларига, унинг қалби ва руҳига йўл излайди. Одамларнинг маънавий ҳаётига сингиб кетган мафкура ушбу курашда ғолиб келади. Демак, геосиёсатда у ёки бу кучнинг қўли устун келиши тобора мафкура ва маънавият соҳасига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Мамлакат ва миллат тақдири билан боғлиқ жараёнларда фуқароларнинг тоза эътиқод, хушёрлик ва масъулият билан ҳаракат қилиши, яхшини ёмондан, аслини сохтадан фарқлай олиши маънавият даражасининг мезони сифатида майдонга чиқади. Этник ва миллатлараро зиддиятларни кучайтириш, бундан низо ва уруш-жанжал чиқаришдан манфаатдор бўлган кучлар ҳали бор. Ўз бағрида истиқомат қилаётган турли миллат

вакиллари ўртасида барқарор тотувликни таъминлаган, ўз халқини мутлақо яқдил ва баҳамжиҳат қилган Ўзбекистон бу масалада ҳам ғайрларнинг иғво ва бўҳтонига нишон бўлиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

Китоб ва туркум нашрлар.

Расмий ҳужжатлар ва материаллар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012.

Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш — бизнинг бош мақсадимиздир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. — „Халқ сўзи“ газетаси, 2012 йил 8 декабрь.

Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш - бизнинг бош мақсадимиздир.

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма нашриёт-матбаа ижодий уйи тошкент – 2013.35.б.

1. Давлат тили ҳақида (янги таҳрири). Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. – Т.: Ўзбекистон, 1997
2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. – Т.: Шарк, 1997.
3. Таълим тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. – Т.: Ўзбекистон, 1989
4. “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. // Халқ сўзи. 1998 й. 27 июль
5. “Музейлар фаолиятини яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. // Халқ сўзи, 1998 й. 12 январь
6. “Ўзбекистон Республикасида меъморчилик ва шаҳарсозликни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президент фармони. // Халқ сўзи. 2000 й. 26 апрель
7. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1- жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
8. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996
9. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
10. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4- жилд.–Т.:Ўзбекистон,1996.
11. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 5-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
12. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. - Тошкент : Шарк, 1998.
13. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор таракқиёт йўлидан. 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
14. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд. – Т.:

- Ўзбекистон, 1999.
15. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
 16. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
 17. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашамиз. 10-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2002.
 18. Каримов И.А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11- жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2003.
 19. Каримов И.А. Тинчлик ва ҳавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. 12 - жилд. Т.: “Ўзбекистон” 2004.
 20. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч кимга, ҳеч қачон қарам бўлмайди. 13-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2005.
 21. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва ҳалқимиз ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. 15-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2007.
 22. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодийтимизни барқарор ривожлантириш йўлида. 16-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2008.
 23. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Тошкент: Маънавият, 2008.
 24. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шаротида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009.
 25. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини ақс эттириш. – Т.: Ўзбекистон, 2009.

II. Рисолалар ва монографиялар

26. Атамуратов С. Национальное самосознание и интернациональное воспитание. - Т., 1991.
27. Амир Темур ўғитлари. –Т.: Наврўз, 1992.
28. Аъзамхўжаев С. Туркистон мухторияти: миллий-демократик давлатчилик қурилиш тажрибаси.-Т.: Маънавият, 2000.
29. Алимова Д. А. Махмудхўжа Бехбудий ва унинг тарихий тафаккури; Масъул муҳаррир: Б. Қосимов ; ЎзР През. ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси. - Тошкент : Академия, 1999.

30. Аскарлов А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Т.: Университет, 2007.
31. Бегматов Э. Жой номлари-маънавият кўзгуси.-Т.: Маънавият, 1998.
32. Бобоев Х. "Avesto" - Шарқ халқларининг бебаҳо ёдгорлиги "Авеста" - Бесценное богатство народов Востока / Х. Бобоев, Т. Дўстжонов, С. Ҳасанов ; ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент молия ин-ти. - Тошкент : Тошкент молия институти, 2004.
33. Беруний Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. 1-жилд.-Т.: Фан, 1968.
34. Жабборов И. Ўзбеклар: турмуш тарзи ва маданияти [Text] : этнотарихий лавҳалар; ЎзР Олий ва ўрта таълим вазирлиги, М.Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий ун-ти, Ўзбекистон Тарихи Давлат музейи. - Тошкент : Ўқитувчи, 2003.
35. Жалолиддин Румий. Ичингдаги Ичиндадур. – Т.: Янги аср авлоди, 2003.
36. Жалолов А. Ўзбекистон: мустақиллик, маънавият, мафкура.-Т.: Ўзбекистон, 1994.
37. Жўраев Н. Тарих фалсафаси: тушунча, моҳият ва сиёсат.-Т.: Маънавият, 1996.
38. Карим Т. Миллий тафаккур тараққиётидан ("Авесто" замонларидан то XXI аср бошларигача): фалсафий мақолалар. - Тошкент : Чўлпон, 2003.
39. Иброҳимов А. Бизким ўзбеклар... : миллий давлатчилигимиз асослари ҳақида мулоҳазалар / А. Иброҳимов; Сўзбоши: И. Ғафуров. - Тошкент : Шарқ, 1999.
40. Исмоилов С. Қадимги Хоразм қалъалари: амударёнинг ўнг соҳили бўйлаб / С. Исмоилов; муҳар. А. Ортиқбоев. - 2-чи нашри. - Тошкент : Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2007.
41. Исломов З. Шайх Хованд Таҳур ёдгорлик мажмуаси: историческая литература / З. Исломов, Д. Мақсудов ; ЎзР Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент давлат ислом ун-ти, Исломуношлик илмий-тадқиқот маркази. - Тошкент : Тошкент ислом университети, 2005.
42. Имомназаров М. Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари.-Т.: Шарқ, 1996.
43. Норхўжаев Ф. Тарихий ва маданий ёдгорликлар - халқ бойлиги. - Т., 1982.
44. Назаров Қ. Қадриятлар фалсафаси (Аксиология).-Т.: Файласуфлар миллий жамияти, 2004.
45. Маҳмудов Т. Мустақиллик ва маънавият.-Т.: Шарқ, 2001.
46. Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи.-Т.: Чўлпон, 1993.
47. Мирзаалиев, Э. Ю. Тарих - маънавият кўзгуси; Масъул муҳаррир И. Ю. Юсупов ; Наманган вилояти ҳокимлигининг маданият ва спорт ишлари бошқармаси, Наманган вилояти ўлкани ўрганиш музейи, Вилоят "Хотира ва қадрлаш" музейи. - Наманган : Наманган, 2006.

48. Мустақиллик. Изоҳли илмий- оммабоп луғат.-Т.: Шарқ, 2000.
49. Отамуратов С. Миллий ривожланиш фалсафаси.-Т.:Академия, 2005.
50. Отамуродов С., Мамашокиров С., Холбеков А. Марказий Осиё: ғоявий жараёнлар ва мафкуравий таҳдидлар.-Т.: Янги аср авлоди, 2001.
51. Раҳмонов Р. Ёшлар дунёқараши шаклланишида тарихий онг ва тарихий хотира; масъул муҳаррир С. Шермухамедов; тақризчилар: М. Ҳасанов, Н. Сафарова. - Тошкент : O'zbekiston, 2008.
52. Ризо Б. Ўзбек тарихи- ўзлик тарихи: бадиа. - Тошкент : Янги аср авлоди, 2001.
53. Фитрат Абдурауф. Раҳбари нажот.-Т.: Шарқ, 2001.
54. Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шахри.-Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1993.
55. Шамсутдинов Р. Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар; Масъул муҳаррир:Наим Каримов. - Тошкент : Шарқ, 2001.
56. Шермухамедов С., Очилдиев А. Маданият ва цивилизация.-Фарғона, 2000.
57. Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни.-Т.:Шарқ, 2001.
58. Юсупов Э., Туленов Ж., Ғафуров З. Миллий масала бўйича фалсафий суҳбатлар.- Т.: Фан, 1990.
59. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Концептуал-методологик муаммолар. (Илмий-назарий анжуман материаллари).-Т.: Академия, 1998.
60. Ўлжаева Ш.М. Амир Темур ва Темурийлар даврида миллий давлатчиликнинг ривожланиши: историческая литература; ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент кимё-технология ин-ти. - Тошкент : Фан, 2005.
61. Қуръони Карим. /Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур/.-Т.: Чўлпон, 1992.-495 б.
62. Хотамий С.М. Ислом тафаккури тарихидан [Text] : монография / Саййид Муҳаммад Хотамий ; Тарж.: Н.Қодирзода. - Тошкент : Минҳож, 2003.
63. Ҳотамов Г. Миллат хотираси: бадиа / Г. Ҳотамов, Ш. Ҳамроев. - Тошкент : Ёзувчи, 1999.
64. Эркаев А. Маънавият-миллат нишони. - 2-тўлдирилган нашри. - Тошкент : Маънавият, 1999.

III. Бутун манбага ҳавола:

1. Фалсафа асослари. - Тошкент: Ўзбекистон, 2005.
2. Фалсафа. Қомусий луғат. - Тошкент: Шарқ, 2004.
3. Қадимги ёзма ёдгорликлар: "Авесто", "Занд" китоб [] : суғд. фалсафий-ахлоқий ёзма ёдгорлик. Туркий матннавислик тарихи / Масъул муҳаррир: М.Исҳоқов ; ЎзР

ФА, Тарих ин-ти . - Тошкент : "Ёзувчи", 2000.

4. Баркамол авлод тарбияси: монография / ЎзР Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси . - Тошкент : Академия, 2005.

5. Халқ хотираси олдида бош эгамиз: ҳужжатлар, маърузалар, хотиралар, хатлар / Тўпловчи.:Б.Тошев, М.Сувонова ; Муҳаррир:Н.Каримов. - Тошкент : Шарқ, 2001.

6. Тарихнинг ҳасратли саҳифалари / "Шаҳидлар хотираси" хайрия жамғармаси, "Мерос" халқаро илмий-амалий экспедиция хайрия жамғармаси ; Масъул муҳаррир Н. Каримов. - Тошкент : Шарқ, 2006.

7. Маънавият юлдузлари: марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар / Ўзб. Респ. ФА , Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик ин-ти ; Тўпловчи ва масъул муҳаррир: М.М. Хайруллаев. - Тўлд. қайта нашр. - Тошкент : Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001.

8. Тарих мустақиллик миллий ғоя: респ. илмий-назарий анжуман материаллари. - Тошкент : "Академия", 2001.

9. Зиёев Х. Ўзбекистон мустақиллиги учун курашларнинг тарихи: милoddан олдинги асрлардан то 1991 йил 31 августгача / Х. Зиёев ; . - Тошкент: Шарқ, 2001.

10.Термиз: буюк йўллар чорраҳасидаги кўҳна ва янги шаҳар / Муал.: Э.Ртвеладзе, Ш.Пидаев, Б.Кочнев ва бошқ.;Масъул муҳаррир:Х.Кароматов. - Тошкент : Шарқ, 2001.

11.Чориев З. Тарих атамаларининг қисқача изоҳли луғати: словарь / З.Чориев; Масъул муҳаррир:Ш.Воҳидов ; ЎзР Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Абу Райҳон Беруний номли Тошкент Давлат техника ун-т. - Тошкент : Академия, 2002.

IV. Диссертация ва диссертация автореферати:

1. Абдуллаев М. Национальное своеобразие и основные факторы развития эстетической культуры: Дис. ... д-ра.фил.наук/ Ферг.гос.ун-т. - Фергана, 1994.
2. Атамуратов С. Национальная культура и национальное самосознание в процессе обновления общества. /Социальнофилософский аспект/. Автореф. дис. докт. философских наук.-Т: 1992.
3. Ачилдиев А.С. Миллий истиқлол ғояси-миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш омили: Фалсафа фанлари д-ри ... дис. автореф. -Т., 2004.

4. Абдуллажонова Д.С. Миллий тарихий хотиранинг моҳияти ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари (Ижтимоий-фалсафий таҳлил): фалсафа фан. ном. дис...Автореф; ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, М.Улуғбек номидаги ЎзМУ. - Тошкент, 2006.
5. Абдуразаков А.А. Миллий маънавий қадриятлар ва уларнинг миллатнинг ўз-ўзини англашдаги ўрни: Дис. ... фалсафа фан. номзоди/ М.Улуғбек номидаги ТДУ. - Т., 1995.
6. Агзамходжаева С.С. Ижтимоий идеал ва Ўзбекистонда маънавий тараққиёт муаммолари. Фалсафа фанлари д-ри ... дис: -Т: 2008.
7. Маматов О.В. Мустақиллик мафқурасининг шаклланишида ворислик муаммоси. Фалс. фан. номз. дисс. автореф.-Т.: 2002.
8. Очиллова Б.М. Аждодлар меросига ихлосмандлик ва шахс маънавий - ахлоқий камолоти: Автореф...фалсафа фан.д-ри./ ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, М.Улуғбек номидаги ЎзМУ. - Т., 2005.
9. Тиллаводдиева М.Х. Мафкура ва ижтимоий тараққиёт: ўзаро алоқадорлик муаммолари (фалсафий таҳлил): дис. ... фалсафа фан. номзоди : 09.00.11; ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Низомий номидаги ТДПУ. - Тошкент, 2006. Туйчиева Т.Т. Ўзбек маънавий қадриятлари тизимида урф-одат, анъаналарнинг ўрни: Дис. ... фалсафа фан. номзоди/ М.Улуғбек ном. Ўзб. Миллий ун-ти. - Т., 2000.
10. Тўраев Ш.Н. Ўзбекистонда демократик жамият қуришда миллий ғоянинг аҳамияти: Дис. ... фалсафа фан. ном; Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети. - Тошкент, 2007.
11. Умарова М.А. Миллий муносабатлар тараққиётида урф-одат ва анъаналарнинг аҳамияти: Дис. ... фалсафа фан. ном./ И.М. Мўминов ном. фалсафа ва ҳуқуқ ин-ти; - Т., 1994.
12. Қўчқоров В.Ҳ. Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётининг демократлаштириш жараёнида миллий ўзликни англаш муаммоси. (сиёсий-фалсафий таҳлил). Фалсафа фанлари д-ри ... дис. автореф. -Т., 2009.
13. Хужамуродов И.Р. Ўзбек халқи миллий (этник) ўзлигини англашнинг шаклланиши муаммолари ва унга исломнинг таъсири: Дис. ... фалсафа фан.д-ри.Тош.Дав.аграр.ун-т. - Т, 1994.
14. Хайитов З.У. Мустақиллик шароитида миллатларнинг миллий ўзлигини англашининг ривожланиш хусусиятлари (ўзбек халқи мисолида): Дис. ... Фалсафа фан. номзоди. – Навоий: Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Навоий Давлат педагогика институти, 2007.

15. Худойбергенова П.Т. Миллий турмуш тарзи, унинг мустақиллик йилларида тараккиёт хусусиятлари: фалсафа фан. номзоди дис...Автореф.; ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, М.Улуғбек номидаги ЎзМУ. - Тошкент, 2005.

IV. Мақолалар

1. Абдуазизова Н. Тарихни англаш йўлида. //Жамият ва бошқарув, 2000. №1.-44-45 б.
2. Абдурахимов Б. Тарихий мерос миллий истиқлол мафкурасининг пойдевори. //Мозийдан садо, 2000.№3.
3. Алимова Д. Мозий сабоқлари. //Мулоқот, 2002. №6.
4. Алимова Д. Хотирага нақшланган ёзувлар.//Мулоқот, 2002.№3..
5. Аҳмедшина Ф. Тарихий хотира-халқ маънавиятининг асоси. //Мулоқот, 2000.№3.
6. Бегматов А. Тарихий тафаккур ривожи. //Мулоқот, 1997. №5.
7. Бойтуллаев Р. Меъморий обидалар-маънавий бойлигимиз. //Мулоқот, 2004, 3-сон,
8. Бурхонова С. Музей-тарихий хотирани тиклаш маскани. //Мулоқот. 2004, 6-сон,
9. Жўраев Н. Миллий истиқлол ғояси ва тарихни англаш. //Жамият ва бошқарув, 2003. №2.
10. Қаямов Ў. Миллий ўзлик (социологик тадқиқот натижалари асосида). //Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари, 2001. №2.
11. Мамашокиров С. Тарихий тафаккур мезони. //Тафаккур, 1999. №4.
12. Остонова Г. Тарихий обидалар-маънавий бойлигимиз. /Хамкор, 2000, 16 декабрь.
13. Отамуратов С. “Авесто”-бебаҳо меросимиз. //Жамият ва бошқарув, 2001, №3.
14. Отамуродов С. Талаба ёшларнинг миллий ўзлигини англаши. //Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари, 2000. №1
15. Самибоев Х., Ширинбоев Ш. Маҳалла тарихий хотирани тарбиялаш маскани. //Мулоқот, 2003. №3.
16. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Давра суҳбати. //Жаҳон адабиёти, 1999. №1..
17. Тоғаев Ш. Миллий ғурур миллий онг маҳсули. //Мулоқот, 1999. №5.
18. Тоғаев Ш. Миллий ғурур. //Жамият ва бошқарув, 2001. №4.
19. Файзиев Ф. Тарихий онг ва ижтимоий воқелик. //Мулоқот. 2005, 4-сон,
20. Хайитов З. Тил-бебаҳо маданий бойлик. //Мулоқот. 2005, 3-сон,